КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1988 йил 1 июль
ЖУМА
№ 149 (4.345).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ИШИ ҲАҚИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси 1988 йил 30 июнь куни Кремлнинг Съездлар саройида ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси Н. И. Рижков раислик қилди.

Конференция делегатлари М. С. Горбачевнинг «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида»ги докладини муҳокама қилишни давом эттирдилар.

Музокараларда Ставрополь ўлкасидаги «Ставропольское» бройлер ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. И. Постников, Свердловск областидаги В. И. Ленин номли Нижний Тагил металлургия комбинати станининг оператори В. А. Ярин, В. М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг ректори А. А. Логунов, КПСС Коми область комитетининг биринчи секретари В. И. Мельников, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. И. Патиашвили, Тула областидаги «Новомосковское» агросаноат бирлашмасининг раиси В. А. Стародубцев ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Конференция делегатлари ўртага ташланган бир қанча принципиал масалалар хусусида КПСС Марказий Комитети Бош секретари — «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида» ҳамда «Совет жамиятини демократиялаш ва сиёсий система ислоҳоти тўғрисида» резолюциялар лойиҳаларини ишлаб чиқиш комиссиясининг раиси М. С. Горбачев сўзга чиқиб изоҳ берди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий раислигида ўтган кундузги мажлисда Мандат комиссиясининг раиси Г. П. Разумовский сўзга чиқди. У «Огонёк» журналида эълон қилинган «Қарама-қаршилик» мақоласида келтирилган фактларни янада синчиклаб текшириш зарурлигини айтди ҳамда бу ишни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетига ва СССР Прокуратурасига топширишни таклиф этди. Таклиф қабул қилинди.

Делегатларнинг илтимосига кўра, мазкур масала юзасидан «Огонёк» журналининг бош редактори В. А. Коротич тегишли тушунтириш берди.

Шундан кейин докладни муҳокама қилишда Қарағанда металлургия комбинатининг пўлат эритувчиси К. З. Ромазанов, КПСС Череповец шаҳар комитетининг биринчи секретари В. И. Саранских, Новосибирск областидаги ССР Иттифоқи 60 йиллиги номли «Первомайский» давлат наслчилик заводи фермасининг зоотехниги Л. П. Живетьева, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, «Известия» газетасининг бош редактори И. Д. Лаптев ўртоқлар қатнашдилар.

Кечқурунги мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг раиси В. И. Воротников раислик қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Москва шаҳридаги «Кўз микрохирургияси» тармоқлараро илмий-техника комплексининг бош директори С. Н. Федоров, Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг раиси Г. А. Боровик, «В. И. Ленин номли Челябинск трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашласи партия комитетининг секретари В. М. Платонов, «Якуталлаз» ишлаб чиқариш-илмий бирлашмаси 12-саралаш фабрикасининг оператори О. М. Захарова, КПСС Ленинград область комитетининг иккинчи секретари А. М. Фатеев, Н. Е. Жуковский номидаги марказий аэрогидродинамика институтининг бўлим бошлиғи Г. И. Загайнов, Новотроицк шаҳридаги Орск—Халиловсқ металлургия комбинати ишчиси В. Ю. Нежельский, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р.-Б. И Сонгайла, Чувашия АССРдаги «Ленинская искра» колхозининг раиси А. П. Айдак ўртоқлар сўзга чиқдилар.

ҚАЙТА ҚУРИШ МИЛЛИОНЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИШИДИР

29 июнь куни Кремлдаги Съездлар саройида КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясида М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитети номидан қилган доклади амалий ва принципиаллик билан муҳокама қилинди. Муҳокама чоғида партия ва совет жамиятининг бундан буён тараққиёти йўллари тўғрисида авж олиб кетган рўй-рост мунозара ҳақиқий демократия ва ошкоралик тикланганлиги, меҳнаткашлар социал-сиёсий активлиги ошганлигининг далолатидир. КПСС Марказий Комитети аъзоси, Олтой ўлка партия комитетининг биринчи секретари **Ф. В. Попов** шуни таъкидлади. 1985 йилнинг апрель ойида халқ билан маслаҳатнинг бошланиши, деб таъкидлади у, кенг миқёсли тарихий воқеа, қайта қуриш ғоялари эса ички ва ташқи сиёсатимизнинг негизи бўлди. Олтойдаги неча юз минглаб коммунистлар ва партиясизлар Тезисларни муҳокама қилишда қатнашдилар. Ўн мингдан кўпроқ таклиф ва фикр-мулоҳазалар айтилди. Бу ниҳоятда масъулиятли пайтда партия стратегияси қўллаб-қувватланаётганлигининг ёрқин тасдиғидир.

Нотиқ одамларнинг ташаббуси ва ижодкорлигини авж олдираётган социал-иқтисодий ўзгаришлар ҳақида гапирар экан, Олтой ўлкасида 11 минг пудрат бригадаси ва звеноси ишлаётганлигини, уларнинг ҳар учтасидан бирига коммунистлар етакчилик қилаётганлигини таъкидлади. Янги ҳаракат куч-қувватга тўлиб бормоқда ва заминда нариданбери ишлайдиганлар эндиликда тан олинмаслигидан далолат бериб турибди.

Ўлка раҳбари бошқарувнинг, айниқса район бўғинидаги бошқарувнинг одат бўлиб қолган структурасига барҳам бераётган янги хўжалик муносабатларига тўхталиб, бир қанча илғор хўжаликларда раҳбар ходимлар сони, аппарат ходимларига ойлик тўлаш учун фойдадан ажратмалар миқдори анча камайтирилганлигини конкрет мисоллар билан кўрсатиб берди. Нотиқнинг фикрича, ана шундай тадбирлар зарурдир. Чунки илғор коллективларнинг юксак кўрсаткичлари бошқарув ва хизмат кўрсатишнинг кўпдан-кўп бўғинларида чиппакка чиқмоқда. Биз ҳозирча деҳқон меҳнатининг қадрига етмаяпмиз. Қўшчи кам-у, ҳайбаракаллачи кўп.

Шундан кейин нотиқ бошланғич партия ташкилотининг роли тўғрисида, ишга партия барча аъзоларини активроқ жалб этиш заруллиги ҳақида гапирди. Сир эмаски, деб эслатди у, қайта қуришнинг ҳақиқий меъморлари бўлган коммунистлар билан бир қаторда ўзининг бирдан бир бурчи аъзолик бадалини тўлаш ва йиғилишларда иштирок этиш, деб ҳисоблаётган кишилар ҳам анчагина. Бўлажак аттестация кўпчиликни қайта қуришга ўзи қўшаётган конкрет ҳисса тўғрисида чинакамига ўйлаб кўришга мажбур этади. Партияни бюрократлар, фақат ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлайдиганлар, расмиятчилар, мунофиқлардан тозалаш пайти келди. Аммо бу ишни ниҳоятда диққат-эътибор билан, ҳар бир кишининг тақдирини пухта ўрганиб амалга ошириш лозим.

Шундан кейин нотиқ ҳозирги пайтда бўлаётган мунозараларда ҳаддидан ошиб кетилаётгани, кўпинча бу мунозаралар бемаъни тус олаётгани ва ҳатто сохталаштиришга ва ҳақоратга айланиб кетаётганлигига эътиборни қаратди. Бу аввало партия ходимлари шанига айтилаётган гапларга таллуқлидир. Танқид аниқ ва амалий бўлиши зарур, гумонсираб, чалакам-чатти гапириш истисно этилиши керак. Шу муносабат билан нотиқ «Огонек» журналида босилган «Қарама-қаршилик» мақоласига эътиборни қаратди. Ушбу мақолада конференция делегатлари орасида порахўрлар бор дейилган. «Мандат комиссиясининг докладида бу гап йўқ. Коротич муҳаррир бўлган «Огонек» журналида эса шундай гап бор», — деди нотиқ ва делегатларга мурожаат қилиб, шу масала тўғрисида изоҳ талаб қилишларини сўради.

Нутқда Советлар фаолиятига кўп ўрин берилди. Советлар ролини ошириш жамиятнинг моддий, ҳуқуқий ва бошқа талабларини қондиришга ёрдам беради, жамиятнинг сиёсий авангарди бўлган партиянинг ролини кўтаришга имкон яратади. Равшанки, бу вазифаларнинг ҳаммасини қуйидан юқорига қараб аппарат структурасини ўзгартириш ва унинг миқдорини самарали белгилаш йўли билан ҳал этиш лозим. Нотиқнинг фикрича, шу билан бир қаторда СССР Давлат план комитети тармоқлар территориясидаги майда-чуйда ишларга аралашавермай, регионларни социал-иқтисодий ривожлантиришни баравар лаштиришга таллуқли энг йирик, истиқболли вазифаларни ҳал этиши керак. Қишлоқда ер ва одам асосий мезон бўлиши керак.

Пировардида делегат конференция қарорлари революцион ўзгаришлар масалаларига янги жадаллаштириш бахш этади, деб ишонч изҳор этади.

Делегатлар раислик қилувчининг мандат комиссиясига «Огонёк» журналида босилган «Қарама-қаршилик» мақоласи тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни топшириш ва бунинг натижаларини конференцияга маълум қилиш тўғрисидаги таклифини қабул қилдилар.

Минбарга Ленинграддаги В. И. Ленин номли оптика-механика бирлашмаси радио аппаратларини созловчиси **В. П. Смирнов** чиқади. Нотиқ Тезислар ва докладнинг асосий қоидаларига қўшилиш билан бир қаторда шу қоидаларнинг айримлари хусусида баъзи мулоҳазаларини айтди. Меҳнаткашлар, деб таъкидлади у, партия ва совет органлари вазифаларини аниқ белгилаб қўйишини, чинакам халқ ҳокимияти органлари сифатида халқ депутатлари Советлари ваколатларининг тўла роли ва ҳажми тикланишини қизғин маъқўлламоқдалар. Аммо матбуотда эълон қилинаётган айрим мақолаларни ўқиганингда ҳайрон қоласан киши. Бу мақолаларнинг муаллифлари Советларнинг ўзи ҳокимиятини оз бўлмаса партияга нисбатан тўғридан-тўғри оппозицияда туриш мажбурияти билан боғламоқдалар. Советлар сиёсий найрангбозликнинг объекти бўлишига ёки кимларнингдир нафсониятини қондиришига йўл қўйиб бўлмайди. Жамиятни демократиялашнинг ҳозирги шароитида, деб таъкидлади нотиқ, мен халқ депутатлари Советларини одамларнинг талаб ва манфаатларини тўлароқ қондираётган социал-ҳўжалик ва ҳуқуқий органлар деб биламан. Худди ана шундай партиявий наказ билан биз Советларга ўзимизнинг энг яхши вакилларимизни кўрсатамиз, деди делегат.

Нотиқ меҳнаткашлар кенг оммасини давлат ишини бошқаришга ҳақиқатдан ҳам жалб этиш масалаларига тўхталиб, меҳнат коллективлари кенгашлари сайлаб қўйилган кишилар ҳайратомуз вазиятга тушиб қолганликларини таъкидлади. Бир жиҳатдан ана шундай кенгашлар бор, иккинчи томондан эса энг асосий нарса, яъни уларнинг ҳуқуқий пойдевори йўқ. Масалан, қарорларнинг бажарилмаслиги учун ким ва қай тахлитда жавобгар бўлиши аниқ эмас. Корхоналар хўжалик ҳисоби ва ўзўзини маблағ билан таъминлашга ўтаётганида ана шу масалалар беқиёс ўткирлашмоқда. Нотиқ Ленинграддаги оптика-механика бирлашмаси мисолида меҳнат коллективи кенгаши фаолиятининг мазмунини очиб берар экан, ҳуқуқий негиз бўлмаса, бюрократлар унинг бутун ишини шубҳа остига олишлари мумкинлигини айтди. Бу ўринда фақат коллективларнинг ўзини ўзи бошқаруви обрўсигагина эмас, балки коммунистлар, партия обрўйига ҳам путур етади.

Ишчи бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини тубдан қайта қуриш тўғрисида гапирар экан, партияга қабул масалаларида асосий гапни бошланғич ташкилот айтиши керак, деб таъкидлади. Худди ана шу ташкилот инсоннинг фазилатларини, унинг коммунистик идеалларга садоқатини аниқлашга қодирдир. Инженер-техник ходимларни партияга қабул қилишда таркиб топган фикр, нотиқнинг назарида, айниқса саноат корхоналарида замон талабларига жавоб бермайди. Ишчи ҳозирги вақтда коммунистларни аттестациядан ўтказишга қарши чиқди. Биринчидан, деди у, аттестация навбатдаги расмий кампанияга айланиб кетиши мумкин, иккинчидан эса бунинг мавриди эмас. Ҳар бир коммунистга қайта қуришдек революцион ишда ўзини кўрсатишга имкон бериш лозим. Аттестация тўғрисидаги қарорни эса партия XXVIII съездида кўриб чиқиш керак. Хўжалик ҳисоби шароитида, деб таъкидлади яна нотиқ, бошланғич партия ташкилотлари ўзларининг молиявий базасига эга бўлишлари тўғрисида ўйлаб кўриш — взносдардан тушган пулнинг бир қисми ташкилотда қолиши зарур.

Пировардида нотиқ демократиялаш ва ошкоралик вазияти рўй-рост ва тақиқларсиз тарихимизнинг фожиавий саҳифаларига, ўттизинчи ва эллигинчи йиллардаги репрессияларга мурожаат этиш имкониятини берди, деб таъкидлади. Ленинградликлар сталинизм қурбонларига ёдгорлик ўрнатиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлайдилар. Шундай ёдгорликларнинг бўлиб этилиши оғир замонлар тўғрисида халқ хотираси боқийлигига ашёвий ҳисса бўлади, жамиятимизда демократик принципларни чуқурлаштириш ва ривожлантириш ишига хизмат қилади.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Фанлар Академияси АҚШ ва Канада институтининг директори академик **Г. А. Арбатов** сўз олади. У конференцияда қилинган докладнинг кўрсатма бериш эмас, балки мунозарага таклиф этувчи тусда эканлиги биз бир вақтлар кўникиб қолган нарсалардан тубдан фарқ қилади, деди. Ҳозир катта ўзгаришлар пайти, ҳақиқатга қайтиш пайти келди, деб таъкидлади у. Одамлар эркин гапирадиган, ниҳоят сиёсатда реал иштирок этадиган, ҳуллас, илгари орзу қилган ишларини бажара оладиган бўлиб қолдилар. Биз «Ура!» деб қичқираётганимиз йўқ, қувонганимиздан ўзимизни йўқотиб қўяётганимиз йўқ. Фақат дастлабки қадамлар қўйилганини тушуниб турибмиз. Ана шу вазминлик ва ўзига нисбатан талабчанлик келажакка умид ва ишонч уйғотмоқда.

Ҳозир, деб таъкидлади академик, бизни ўпқонга томон тортиб келган социал, иқтисодий, сиёсий тушкунлик ва айниш жараёнларини тўхтатишга муваффақ бўлдик. Партия кўп миллионлаб кишилар идеалларимиз тантанасига ишончини жуда тез тиклай олади. Ўз кучига ва имкониятларига ишонч ҳом хаёлгина эмас, балки ҳақиқатга, ҳатто аччиқ ҳақиқатга асосланган.

Нотиқ академик Л. И. Абалкин нутқидаги бир қоидага мутлақо қўшилмади, унинг фикрича, ана шу қоидадан сўнгги уч йил ичида қайта қуриш экономикада ҳеч нарсага эриша олмади ва у турғун ҳолатда қоларди, деган хулосани чиқариш мумкин.

Шу хусусда у бир қанча далилларни келтириб, хўжалик ислоҳоти фақат иқтисодий иш бўлиб қолмай, шу билан бирга олий даражадаги сиёсий иш ҳам эканлигини таъкидлади. «Экономиканинг харсанг тошини» жойидан қўзғатиш учун сиёсий тасаввурлар ва ижтимоий онгдаги кўп жиҳатларни ўзгартириш, хусусан товар-пул муносабатлари ва бозор ролининг тан олинишига эришиш лозим эди. Академик экономика соҳасидаги собиқ бир қанча масъул раҳбарларнинг хатолари ва нотўғри йўл-йўриқларини эслатиб ўтди. Ўша даврнинг оғир мероси қайта қуриш бошлангандан кейин ҳам сезилиб турди.

Ҳозир, деди нотиқ, ижодий баҳслар эркинлиги иқтисодий ва ҳатто давлат тафаккурини ҳамда меҳнаткашлар ташаббусини уйғотди. Чунки бюрократик зулм кишанларидан озод бўлган маънавий жиҳатдан эркин кишигина экономикани ривожлантира олади. Уч йил экономикамиз учун беҳуда ўтмади. Ҳолбуки, янада кўпроқ ютуқларга эришиш мумкин эди. Суръатни бўшаштириб юборганлигимиз учун ўзимизни танқид қилаётганимиз ҳам яхши. Кўпгина мураккаб муаммоларни ҳал этишга тўғри келади.

Нотиқнинг фикрича КПСС Марказий Комитетининг иқтисодий масалаларга бағишланган Пленумини чақириш зарур.

Нотиқ ошкоралик ва оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўхталиб, зарур бўлганда газета, радио, телевидениени ҳам танқид қилиш кераклигини уқтирди. Лекин конференциядаги бир қанча нутқларда оммавий ахборот воситалари тиши ўтмас, қўлга ўргатилган, мулойим бўлган «идеологик қулайликлар»нинг эски яхши даврларини қўмсаш сезилиб турди. Бундай шароитда ишлаш жуда қулай эди. Нотиқ яқин ўтмишда ва анча олис тарихий даврда сиёсат ва экономикада йўл қўйилган кўнгилсиз ҳодисаларда мисоллар келтириб, эслатиб ўтди. Буларнинг ҳаммаси, деб таъкидлади у, матбуотнинг овози эшитилмаган ва у итоатгўй бўлган шароитда юз берди. Бугун бундай бўлиши мумкин эмас.

Нотиқ сўзининг охирида сиёсий ислоҳот хусусида докладда келтирилган таклифларга тўхталди. Бу таклифларнинг руҳини ва йўналишини тўла маъқуллаб, жумладан, район партия комитетлари биринчи секретарларини Советларнинг раислигига сайлашга доир баъзи мулоҳазаларни айтди. Янги сайлов тартиби Советларга раҳбарлик қилишга партиясизнинг сайланиши йўлини тўсиб қўймаслиги, Советларга сайлов практикаси чинакам демократик тусда бўлиши лозимлиги ҳақида ўйлаб кўриш керак, деди у. Нотиқ раҳбарлик лавозимларида бўлишни ҳеч қандай истисносиз икки муддат билан чеклаб қўйишни таклиф этди.

Қайта қуришни, маънавий жиҳатдан мусаффо бўлишни республикамизни турғунлик ҳолатидан олиб чиқиш, кўп йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилишда бирдан-бир ва энг тўғри имконият деб ҳисоблаймиз, деб таъкидлади Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **А. Х. Везиров.**

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН НИГОҲИДА

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири Т. МИРҲОДИЕВ Москвадан телефон орқали хабар беради

Москва, Зубов хиёбони, 4-уй. КПССнинг Бутуниттифоқ XIX конференцияси матбуот маркази ана шу ерда жойлашган. Муҳташам бино тонгдан ярим тунга қадар одамлар билан гавжум: чироқлар ёниқ, ёзув машинкалари, телетайплар, телекслар тиним билмайди, халқаро телефон аппаратлари бутун ер юзи билан алоқа боғлаш имконини беради.

Совет коммунистлари олий анжуманига қизиқиш шу қадар баланд, жаҳондаги энг йирик ахборот агентликлари, матбуот органлари, телевидение ва радиоэшиттириш компаниялари, оммавий ахборот бошқа турларини қилни қирқ ёрадиган мухбирлари конференция бошланмасдан бир неча кун илгариёқ ерда ваколат рўйхатидан ўтиб, ишлаётган.

Матбуот марказига КПСС Марказий Комитети Пропаганда бўлими мудири Ю. А. Скляров раҳбарлик қилмоқда. Конференцияни 77 мамлакат мухбирлари, жумладан совет журналистларининг катта гуруҳи ёритиб турибди. Улар орасида республикамиз газеталари, ахборот агентлик, телевидение ва радиосидаги олти вакил бор. Ваколат рўйхатига олинган жами журналистлар 1.300 дан ортиқ.

Марказнинг ҳар бир иш куни тўлақонли ўтмоқда. Учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, савол-жавоблар... Бундай тадбирлар кунга 3—4 маротаба бўлади. Мулоқот бир йўла бешта — рус, инглиз, немис, француз ва испан тилларида (айни таржима қилиб) олиб борилади. Журналистларнинг хоҳиш-истаклари кўра партия Марказий Комитетининг масъул ходимлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат арбоблари, марказий нашрларнинг раҳбарлари, делегатлар бу ерга ташриф буюришмоқда. Кенг мажлислар залида баъзан ўринлар етишмай қолади. Бу совет коммунистларининг олий даражадаги йиғинига бутун дунёда қизиқиш ниҳоятда ортиб бораётганлигидан далолатдир.

Чоршанба куни конференция мажлислари ўртасидаги танаффус пайтида бу ерга Ўзбекистон партия ташкилоти делегатларидан бир гуруҳи келди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, республика Олий Совети Президиумининг раиси П. Ҳабибуллаев, Мирзачўл районидаги Абай номли совхоз-техникум бригада бошлиғи Р. Маматова, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси станокчиси В. И. Таранторова, Тошкентдаги 22-болалар уйи директори А. П. Хлебушкина, Самарқанддаги «Электробитмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. А. Чжен, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари О. Ёқубов журналистларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб бердилар.

Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг Совет Ўзбекистони ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётида кейинги йилларда рўй бераётган жиддий ўзгаришлар, қайта қуриш, демократиялаш, покланиш жараёнига қизиқишлари катталиги ижобий ҳол, албатта. Биз, ўзбекистонлик журналистлар шундай бир мароқли манзаранинг гуваҳи бўлдик. Матбуот конференциясининг расмий қисми тугаганидан кейин ҳам унинг қатнашчилари республикамиз делегатларидан айримлари билан мулоқотни анчагача давом эттирдилар. П. Ҳабибуллаев, О. Ёқубов, Р. Маматова, В. А. Чжен чет эл телевидение ва радио компаниялари, матбуот органлари, ахборот агентликларига махсус мусоҳаба бердилар.

ЯНГИЧА ЯШАШ, ФИКРЛАШ, ИШЛАШ ДАВРИ

Янина ДАВЛАТОВА,
Урганч район алоқа бўлимининг почтальони

Ҳар куни кишиларга янгилик улашаман. Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси ўз ишини бошлагандан буён одамларнинг кайфияти ўзгача. Улар ҳар куни газеталарнинг навбатдаги сонини орзиқиб кутишади.

Мен ҳам докладни диққат билан ўқиб чиқдим. Айниқса «Тенг ҳуқуқли миллатлар ва элатларнинг мамлакатимизда таркиб топган иттифоқи социализмнинг энг буюк ютуқларидан бири бўлиб қолди» деган жумларни ўқиганимда гўё бу мен ҳақимда, биз ва ҳаммамиз ҳақимизда айтилганини ҳис этдим. Ҳаётим кўз ўнгимдан ўтди.

Бундан чорак аср муқаддам, менинг ўлкам — Белоруссияда ҳарбий хизмат бурчини ўтаётган дўстим «турмуш қурайлик» деб таклиф қилганида, нима дейишимни билмай қолган эдим. Чунки ўшанда Хоразм менга жуда узоқ юртдай туюлганди. Лекин меҳр бўлса, узоқ яқин қийинчиликлар билинмас экан. Мана йигирма уч йилдирки, хоразмликман. Бу қадимий диёрга шунчалик ўрганиб кетибманки, ўтган йили сентябрда Гродно областидаги қишлоғимиз — Устьега борганимда у ернинг иқлими ёқмай, уйга қайтишга шошилдим. Қоларса болаларим: Галина, Раъно, Руслан, Назира, Мурод, Розани невараларим Ира, Зулхумони соғиндим.

Белоруссияда бирга ўсган дугоналарим кўп. Улар ҳаётим, ўзбек оиласининг анъаналари билан қизиқадилар. Мен келин бўлиб келган йилим умрдошим оиласининг тартиб-қоидасига тушунмай, тил билмай қийналганим, лекин Рустамнинг меҳру муҳаббати ҳаммасидан устун келганини яширмасдан айтиб берганман.

Ҳаётдаги кўп ишлар инсон қалбига боғлиқ. Қалб буюрса, одам ҳар қандай ишни ҳам уддалайди. Бир йилда ўзбек тилида бемалол гапирадиган бўлдим ва бу тилни севиб қолдим. Ҳозир болаларимнинг ҳаммаси ўзбек мактабида ўқийдилар. Уйда гоҳо белорус, рус тилида ҳам гаплашиб қоламиз. Болалар айниқса белоруссиялик Вера бувисининг, тоғаси Аркадийнинг уйида меҳмон бўлиб қайтишганидан сўнг, у ерда орттирган янги дўстларини эслаб, улар ўргатишган белорусча қўшиқларни айтиб юришади. Уларни бу ердаги ўртоқларига ҳам ўргатишади.

Мен 14 йил Урганчдаги 1-паррандачилик фабрикасида товуқбоқар бўлиб ишладим, ҳурмат-эътибор тондим. Шу ерда мен ва ёстиқдошим бир вақтнинг ўзида — 1971 йилда КПСС сафига қабул қилиндик. «Халқлар дўстлиги» ордени билан мукофотландим.

Ҳаётимдан мамнунман. Партиямиз сиёсатини қўллаб-қувватлайман. Биз халқларимиз қардошлиги ва дўстлигини кўз қорачиғидек асраб, метинтек бирлашиб астойдил меҳнат қилсак, партия конференциясида ўртага қўйилаётган вазифаларни рўёбга чиқаришимиз осон кўчади.

Икромжон АКРОМОВ,
Андижон область Комсомолобод район «Комсомолобод тонги» газетасининг бўлим мудири

Конференция материалларини синчиклаб ўқиб-ўрганар эканман, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев докладида қайта қуришни ривожлантириш ва чуқурлаштириш вазифаларига туб аҳамият берилганлигини алоҳида ҳис этдим. Билдирилган фикр ва мулоҳазаларнинг аксарияти бевосита халқнинг қалби, дили, шуурига ниҳоятда яқин. Масалан, районлар ва областларда ҳозирги тарздаги агросаноат органлари эскириб қолаётганлигини тажриба кўрсатди, деган фикр жуда ҳаётий.

Дарҳақиқат, агросаноат комплексининг бевосита район бўғинида хизмат қилувчилар сони кўп, ҳар қайси йўналишда бир неча нафар мутахассис ишлайди. Бироқ уларнинг аксарияти бир-бирининг хизматини такрорлайди, холос. РАПОнинг агрономлик, экономика бўлими, диспетчерлик хизмати, ветеринария станцияси, кадрлар бўлими, механизация ва ҳоказо бўлимларнинг ҳаммаси турли хилдаги маълумотларни тўплаб партия ва совет органларига етказиб бериш билан овора. Район партия комитети ва район ижроия комитети ана шу қоғозлар асосида яна РАПОга топшириқлар бериш билан банд.

Конференцияда сўзга чиққанларнинг агросаноат комплекси маъмурий аппаратини қисқартириш юзасидан билдирган фикрлари ниҳоятда тўғри деб ҳисоблайман. Уларда асосан бош мутахассисларни қолдирилиб, бошқа кадрларни ишлаб чиқаришга йўллаш лозим. Шунингдек, РАПОларга тўла мустақиллик ҳам бериш лозим.

Районимиздаги мавжуд 8 та хўжаликнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда совхозларда бўлимларни қисқартириш кони фойда эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки ўтган йили хўжаликнинг ана шу бўғинини камайтирган «СССР 50 йиллиги», «Дўстлик», «Оқ олтин» совхозларининг экономикасида сезиларли ижобий ўзгаришлар юз берди.

Айни пайтда агросаноат комплексига, экономикага раҳбарликни такомиллаштиришни, уни ишбилармон мутахассис кадрлар билан таъминлаш, қишлоқ хўжалигидаги ўзини оқламаган эски усуллардан тамомила воз кечиш зарур.

КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ҚАЙТА ҚУРИШ МИЛЛИОНЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИШИДИР

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

Республикамизда ўтмишнинг юки ҳаддан ташқари оғир. Биринчи навбатда кадрлар сиёсатидаги нуқсонлар — таниш-билишлик, юртдошлик социал-сиёсий ва маънавий муҳитни бузди. Қўшиб ёзиш, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш авж олиб кетди. Республикада узоқ вақт давомида социал-иқтисодий ривожланишга раҳбарлик қилишда катта хатоларга йўл қўйилди. Инвестиция, структура сиёсатини яхшилаш, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш чоралари кўрилмади. Социал соҳани ривожлантиришнинг аҳамиятига етарли баҳо берилмади. Маънавий ҳаётнинг кўпгина соҳалари бузилди. Ҳозирги вақтда «Қизил байроқли беш йилликлар», «Озарбайжон кенг одим ташламоқда» деган баланд-парвоз гапларнинг ўринсизлиги равшан бўлиб қолмоқда.

Тоғли Қорабоғ тўғрисидаги масала ҳам турғунлик йилларига бориб тақалади, деб давом этди нотиқ. Унинг манбалари ва сабоқлари пухта ўрганишни тақозо этмоқда. Тоғли Қорабоғ автоном области ва унинг теварагидаги вазият ижтимоий жиҳатдан хатарли тус олмоқда. Икки халқимизни бир-бирига қарши тўқнаштириб қўйишга уриниш давом этмоқда. Бу эса Озарбайжон ва Арманистоннинг баъзи районларида вазиятни беқарор қилиб қўйди. Афсуски, деди делегат, митингларда ва намойишларда долзарб масалаларга жавоб олишни истаётган кишиларгина эмас, балки қайта қуришга қарши таъсирчан кучларнинг намояндалари ҳам — порахўрларнинг уруғ-аймоқлари, «яширин» экономика корчалонлари ҳам қатнашмоқдалар. Улар жиноятчи унсурлар билан тил топишиб кетдилар. Улар одамларни миллатчилик намойишларига даъват этмоқдалар. Нотиқнинг фикрича, Тоғли Қорабоғ автоном области ва унинг теварагида юз берган воқеалар учун энг катта айб республика ва автоном областнинг собиқ раҳбарлари зиммасига тушади. Делегат аҳволни қатъий ўнглаб олиш учун чора-тадбирлар кўрилаётганлигини айтди.

Биз социализмни заифлаштирадиган нарсаларни эмас, балки мустаҳкамлайдиган, халқларни бир-биридан ажратадиган эмас, балки жипслаштирадиган жиҳатлар тарафдоримиз, деб уқтирди делегат. У «жанжал авжига чиққанда ҳам ярашиш ҳақида ўйлаш керак» деган Озарбайжон мақолини эслатиб ўтди. Мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини ривожлантириш, бунинг учун республикалар раҳбарларининг шахсий мулоқотларидан тўлароқ фойдаланиш зарурлигига тўхталди.

Делегат СССР Олий Совети Миллатлар Советининг зиммасига миллий жараёнлар ва миллатлараро муносабатлар соҳасидаги ҳокимият олий органи вазифаларини ҳам юклашни таклиф қилди. У ижроия орган — миллатлар ишлари масалалари билан шуғулланувчи иттифоқ министрлиги ёки давлат комитетини тузишни таклиф қилди, кўпгина бошқарув вазифаларини жойлардаги органларга топшириш, миллий давлатлар шаклларини қучайтириш, автоном округлар, автоном областлар, автоном республикаларнинг умумиттифоқ манфаатлари учун уларнинг вазифалари ва масъулиятини узвий равишда боғлаб, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади. Нотиқ янги формациядаги юқори малакали кадрларни танлаш ва тарбиялашни яхшилаш зарурлиги тўғрисидаги масалани ўртага қўйди.

Конференция қуйидаги резолюцияларнинг лойиҳаларини тайёрлаш юзасидан комиссиялар сайлади:

— КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётганлиги ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида,

— совет жамиятини демократиялаш ва сиёсий системани ислоҳ қилиш ҳақида,

— бюрократизмга қарши кураш тўғрисида,

— миллатлараро муносабатлар ҳақида,

— ошкоралик тўғрисида,

— ҳуқуқий ислоҳот ҳақида.

Танаффусдан сўнг раислик қилувчи **Н. Н. Слюньков** КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, РСФСР Театр арбоблари союзи правлениесининг раиси **М. А. Ульянов**га сўз беради.

Нима учундир кўнглим ташвишда, деди нотиқ, мана шу сарой деворлари ортидаги кўп миллионли халқимиз конференция қандай туб қарорлар қабул қилишини сергаклик ва жуда ташналик, умид билан кутмоқда. Айрим делегатларнинг нутқларида эса барча вазифалар бажарилади, деб ишонтиришлар, қасамлар, ваъдалар яна эшитилмоқда. Шу фикр-мулоҳазаларга қулоқ соладиган бўлсак, бунга ҳалал бераётган битта нарса бор, у ҳам бўлса матбуотдир. Матбуотнинг тилини тийиб қўйсак, ҳамма иш жойида бўлармиш. Шундаймикан?

Ҳозир ҳақиқатан ҳам тарихий даврни бошдан кечиряпмиз, деб сўзини давом эттирди делегат. Ҳозир биз ҳаммамиз, худди эртакдаги паҳлавон сингари ягона тўғри йўлни танлаб олмоқдамиз, бошқа йўлларнинг ҳаммаси ҳалокатлидир. Биз ана шу йўлни танлаб олдик. Ҳозир тарих биз билан ҳамнафасдир. Конференция халқнинг манфаатлари ифодаланган ва халқнинг иродаси билан тасдиқланган, шу боисдан ҳам ҳеч ким буларни ўзгартиришга ҳам, бекор қилишга ҳам ҳақ-ҳуқуқи бўлмаган мукаммал қонунлар амал қилаётган мамлакатда яшаш ва ишлашни орзиқиб ва қўпдан бери истаётган халқнинг иродаси ва орзуумидларини бажаради ёки биз яна буйруқбозликдан кўнглимиз зил кетаверади, яна ҳар қандай ўзбошимчалик ва фармойишлар билан тақиқлашлардан, истисноолар, жазолар ҳам маҳаллий, ҳам маҳаллий бўлмаган қонунсизликлардан, бюрократик аппарат, партия ва хўжалик аппаратининг ўзбошимчалигидан тарқоқ ҳам кафолатга эга бўлмай қолаверамиз.

Биз шундай бир маррага келдикки, тарих бизга яқинлашди ва умид билан кўзимизга қарамоқда: Ҳей, инсон! Янглишма, қўрқиб кетма, чўчиб тушма.Сен бугун ҳали кўп иш қилишинг мумкин. Эртага эҳтимолки, кеч бўлар. Доно бўл, биз ўзимиз демократия ва халқ ҳокимиятини асраб қолишимиз ва мустаҳкамлашимиз керак, бошқа куч йўқ. Ё биз қаёт учун тоза ҳаводек зарур бўлган демократия вазиятини, номенклатура ва мўмин қобиллик эмас, балки истеъдод ва меҳнат қадрланадиган вазиятни яратамиз. Бундай вазиятда қаётнинг ўзи ниқташсиз ва тергашсиз ишлашга қодир бўлган сергайрат, ақлли, мустақил одамларни илгари суради. Ёки яна амал-тақал қилиб, тирикчилик қилиш учун ўз бойлигимизни сотаверамиз, айбдорларни қидираверамиз ва ҳар қандай ҳур фикрликни тақиқлаб қўямиз. Агар қайта қуриш мағлубиятга учраса, деб таъкидлади нотиқ, олам олам бўлмай қолади. Биз нечоғли қудратли бўлсак, дунё шу қадар осойишта бўлади.

Нотиқ, унинг фикрича, корхоналарнинг ташаббусини бўғаётган ва уларни қаш-шоқлаштириб қўяётган давлат буюртмаси системаси тўғрисида, министрликлар турли хил нормативларни ўйлаб топиб, яхши ишлаётган корхоналар қўлидан улар кўраётган фойданинг 90 процентигача тортиб олаётгани, кооператорлар даромадларига прогрессив солиқ солиниши оқибатида биз учун зарур бўлган ана шу ҳаракат тўхтаб қолиши мумкинлиги тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини айтди. Бу қонунларни одамлар ўйлаб топмоқда, — деди М. А. Ульянов. Уларнинг фамилияси бор. Уларнинг амал курсиси жуда баландда, бу амалдорлар ўша ердан туриб сиз билан биз аранг ўтирган шохни арралаб ташламоқчи бўлмоқдалар. Нотиқ бюрократларни қайта қуришнинг боришига ғов бўлаётган асосий айбдорлар, деб атади.

Нотиқ бизни пайдо бўлиши мумкин бўлган назоратсиз маъмуриятчиликдан муҳофаза этадиган ҳуқуқий, юридик, сиёсий ва конституцион кафолатлар, ҳуқуқлар ва қонунларни тезроқ ишлаб чиқиш лозимлигини ҳам таъкидлади.

Делегат конференцияда ёки конференциядан кейин КПСС Марказий Комитети Бош секретари раҳбарлик қиладиган халқнинг кенг кўламдаги вакиллари ва олимлардан ташкил топадиган махсус комиссия тузиш тўғрисида таклиф киритди. Бу комиссия партия ва давлат аппарати сайлови системасини ишлаб чиқиши мумкин бўлур эди. У марказий, область ва ўлка газеталари редакторларини, республикаларда эса республика ва область газеталарининг редакторларини съездлар ва пленумларда сайлаш ва шундай қилиб, уларни область, республика раҳбариятининг зарбидан муҳофаза этиш тўғрисида таклиф ҳам киритди. Газеталар маҳаллий ҳокимиятларга чамбарчас боғланган. Шу боисдан ҳам тобе бўлиб қолган ва овозини йўқотган. Матбуотсиз, унинг эркинлиги ва дадиллигисиз демократия ҳам, ошкоралик ҳам бўлмайди. Бизда якка партияли система қарор топган, аммо табиатда ҳамма нарса қарама-қаршиликлар кураши принципига амал қилади. Худди ана шу ўринда матбуот зарур, у акс турган куч сифатида, агар эҳтиёж туғилса, қарама-қаршилик ролини бажара олсин.

Қайта қурадиган бўлсак, бизнинг газетага муносабатимизни ҳам қайта қуриш лозим, деди сўнгра М. А. Ульянов. Матбуот — назоратсиз яшаш ва раҳбарлик қилишга одатланиб қолган баъзи ўртоқларнинг ихтиёридаги хизматкор эмас, балки мустақил, жиддий кучдир. Биз худди ана шундай назоратсизликка қарши курашишни истаймиз.

М. С. Горбачев: Михаил Александрович, сиз кўтарган масала жуда муҳим. Агар биз ошкоралик, танқид, ўзўзини танқид, демократия жараёнини олга силжитишдан воз кечар эканмиз, қайта қуриш барбод бўлади. Биз ошкоралик йўлига қатъиян ўтиб олдик ва шу йўлдан оғишмай бораверишкерак. Бунинг боиси бор. Биринчидан, бизнинг тузумимиз халқ тузуми бўлиб, жамият турмушини сиёсий жараёнларсиз, ўз нуқтаи назарини айта билиш, ўз фикрини ҳаммага етказиш, номақбул кишиларни ва камчиликларни танқид қилиш имконияти орқали ташкил этишда халқ иштирок этиши керак. Шу тариқа ишларни бошқаришда қатнашиш мактабидан ўтиш лозим. Бу равшан бўлиб, биз мана шу йўлдан олга бораверишимиз керак.

Лекин Г. А. Арбатов ўз нутқида докладимнинг, аниқроғи КПСС Марказий Комитети докладининг шу жойидан парча келтириб ярим йўлда тўхтаб қолди. Агар у яна ҳам олга борганида докладда бизга ҳозир янги сифатдаги партия матбуоти керак, деб айтилган жойни кўрган бўлур эди. Владимир Ильич Ленин ошкоралик тўғрисида гапирганида ошкоралик — адабий юзакичиликсиз асосий масала хусусида гаплашмоқдир, деб огоҳлантирган эди. **(Қарсаклар).** Конференцияда гап ҳақиқатан ҳам мамлакат тақдири тўғрисида, биз бундан буён қандай яшашимиз, ижтимоий муносабатларни қандай қуришимиз ҳақида бораётганлигини партиячасига ҳалол айтиб ўтиш керак.

Ўша ўтган вақтларда оммавий ахборот воситаларида айрим кишиларнинг монополияси мавжуд эди ва бу ҳол нимага олиб келганлигини биламиз. Эндиликда эса биз бошқа одамлар группасининг монополияси умумхалқ минбари сифатида секин-аста матбуотдан фойдаланишни истаётганлигини кўриб турибмиз. Биз фикрлар плюрализмини хоҳлаймиз. Шу боисдан ҳар хил нуқтаи назарларни билдириш имконини бериш керак, ўшанда кайфиятлар, муаммоларнинг ҳаммаси равшанроқ бўлиб қолади ва шу асосда қарор етилади.

М. А. Ульянов: Ҳозир бизда икки монополия бор. Бири жойларда...

М. С. Горбачев: Шундай қилиб, биз бир монополиянинг бошқаси билан, бир чала ҳақиқатни бошқа бир чала ҳақиқат билан алмаштирмаслигимиз керак. Бизга ҳаёт каби бор ҳақиқат даркор, биз уни билишимиз ва монополия қилиб олган бошқа бир группа фойдасини кўзлаб эмас, балки социалистик принциплар, ахлоқимиз принциплари асосида уни қайта қуришимиз лозим. Умуман олганда биз бундан буён қандай яшашимиз йўлини белгилаб олаётган даврда кимдир эртага қандай давозимда бўлишини ўйламай, балки мамлакат тўғрисида, мамлакат тақдири ҳақида ўйлаш керак. Ўшанда биз ҳақиқатга эришамиз. **(Қарсаклар).**

Маҳаллий матбуот билан марказий матбуот ўртасидаги тавофутда икки жиҳат бор. Бир томондан маҳаллий матбуот қайта қуриш йўлига секинроқ ўтди ва ошкоралик, демократия потенциалини ҳали тўла-тўкис юзага чиқаргани йўқ. Бу ҳақ гап. Иккинчи томондан эса у марказий матбуот баъзан бизга тақдим этиб турган чапанича мақолалардан холи бўлди. Бизнинг газета ва журналларимизда инсонни ҳақорат қилишлари мумкин. Социалистик жамиятда бунга йўл қўйиб бўладими, ахир? Конференцияда бу ҳақда қатъий қилиб айтиш керак, лекин айни вақтда мамлакатда фаол фикрлашувлар доимий мавжудлигининг формаси сифатида ошкоралик ва танқид сақлаб қолиниши лозим. Буларсиз олдимизда турган вазифаларни ҳал эта олмаймиз. Менимча, фикрларимизда тафовут бўлмаса керак, Михаил Александрович?

М. А. Ульянов: Михаил Сергеевич, Сизга савол бермоқчиман.

М. С. Горбачев: Марҳамат.

М. А. Ульянов: Сиз қандайдир кишининг ҳақиқатан хатоси бўлмаслиги ва у ранжимаслиги учун матбуотни пасайтириш тарафдоримисиз ёки, мен сизни англаганимдек, аксинча, ҳатто агар биз хато қилган тақдирда ҳам матбуотни кўтариш тарафдоримисиз? Бу курашда хаталар бўлиши мумкин...

М. С. Горбачев: Михаил Александрович, модомики биз ўтмишнинг асосий сабоғи халқ ижтимоий турмуш жараёнидан, қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнидан четга чиқариб қўйилганлигидадир, деб айтаётган эканмиз, эндиликда биз халқни сиёсий демократия, матбуот, жамоат ташкилотлари орқали бу ишларга жалб этишимиз керак. Бунда биз матбуотни — шу умумхалқ минбарини навбатдаги группа ихтиёрига бериб қўя олмаймиз. Илгари бир группа бўлган эди, энди бошқаси. Мана гап нимада. Буни фарқ қила билиш керак. **(Давомли қарсаклар).**

Тафовутларни кўрмаяпман, шу гапни бошлаганлигингизни, менга бу гапга қўшилиш имконини берганлигингизни ҳатто тафриклайман. Бунда ҳамма нарса батамом равшан бўлиши керак. Агар матбуотнинг танқидий мақоласи кимгадир қаттиқ ботаётган ва бундан ўзини ноқулай сезаётган экан, лекин шу мақола ҳаққоний бўлса нима ҳам қилардик, чидаш керак, одамлар ҳузурига бориб, нима учун шундай бўлаётганини улардан аниқлаш, ишни қандай ўнглаб олиш кераклиги ҳақида бош қотириш лозим. Ўшанда партиямиз яшай беради. Якка партияли системамизда ҳам шундай демократия таъминланадики, у чет элларда ўзини демократиянинг намунаси деб кўрсатаётган ёки шундай қилиб кўрсатишни истаётган биронта кимсанинг тушига ҳам кирмаган. Жаҳонда эса ҳозир бундай кимсалар кўп.

М. А. Ульянов: Матбуот — қудратли қурол дейилиши мутлақо ҳақ гап, бу қуролдан моҳирлик билан ҳамда халқ ва партия манфаатларини кўзлаб фойдаланиш керак.

М. С. Горбачев: Тўғри. **(Қарсаклар).**

Конференциянинг бутун бориши партия қайта қуриш йўлини қатъият ва собиқдамлик билан ўтказаётганлигидан яққол далолат бериб турибди, деди КПСС Марказий Комитети аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитети секретари **Б. В. Качура.** У Украинада конференцияга Тезислар нечоғлик манфаатдорлик ва фаоллик билан муҳокама қилингани тўғрисида гапириб берди. Одамлар лоқайдлик ва бефарқликдан ўзларини холи қилиб, жамият ҳаётини ўзгартириш ишига активлик билан киришмоқдалар.

Делегат совет халқи қайта қуришни яқдиллик билан қўллаб-қувватлаётганлигини, унинг муқаррарлиги кафолати деб билмоқда. У демократиялаш жараёнларини чуқурлаштириш, партиянинг авангардлик ролини қарор топтириш муаммоларига катта диққат-эътибор берди. У партия ташкилотлари хўжалик органларининг вазифасини бажаришдек тенденцияга барҳам бериш лозимлиги тўғрисида гапирди. Унинг фикрича, бу тенденция жойларда айниқса яшовчандир.

Шундан кейин делегат бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда миллий сиёсат масалалари ҳамиша актуал бўлиб қолди ва шундай бўлиб қолмоқда, деб таъкидлади. Ҳозир бу масалалар алоҳида эътиборни талаб қилмоқда.

Докладда, деб сўзини давом эттирди у, миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига, қардош халқлар ўзаро муносабатларининг ленинча нормаларидан чекинишларга қарши муросасиз курашиш лозимлиги таъкидланди. Республика партия ташкилоти бу хулосани батамом қўллаб-қувватлайди. У ҳозирги кун талабларини ҳисобга олиб, оммани интернационал руҳда тарбиялаш ишини қайта қурмоқда.

Нутқда экономика масалалари катта ва муҳим ўрин олди. Делегат ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш программасини янада пухта ишлаб чиқишнинг актуаллигини таъкидлади, республикалар ва регионларнинг халқ хўжалик комплекси самарадорлигини оширишга қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришга боғлиқ бўлган анчагина масалалар хусусида тўхталди.

Бир қанча конкрет мисолларда иқтисодий ислоҳот ҳозирча кўнгилдагидек дадиллик билан бормаётганлиги кўрсатиб берилди. Давлат корхонаси, кооперация тўғрисидаги қонунлар, ташаббуснинг кенг қулоч ёйишига, меҳнат коллективлари ролини оширишга қаратилган бошқа жуда муҳим қарорлар тўла куч билан ишламаяпти.

Республикада қайта қуришнинг бориши бизни қаноатлантирмаяпти, деди делегат. Шубҳасиз, кўпроқ иш қилиш мумкин эди, аммо айни вақтда марказий министрликлар ва идоралар иш услуби ҳамда методларини қайта қуришни жадаллаштириш лозим. Аппарат ҳозир ҳардам ҳаёл бўлиб турибди, бу эса нотиқнинг фикрича, кўпгина муҳим иқтисодий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишини секинлаштирмоқда. Иқтисодчи олимларнинг роли алоҳида таъкидланди, туб ислоҳотни амалга ошириш ва ривожлантириш юзасидан улар зиммасига катта масъулият тушади.

Қайта қуришнинг дастлабки йиллари сабоқларини ҳисобга олиб, келгуси беш йиллик структура ва инвестиция сиёсатини шакллантиришда капитал қурилишни такомиллаштириш, бинокорлик материаллари саноати базасини ривожлантириш ниҳоятда муҳимдир. Ана шу масалаларни ҳал қилганимиздагина, биз амалда социал программанинг бажарилишини таъминлаймиз, халқ хўжалиги устун йўналишлари равнақини жадаллаштирамиз, деди нотиқ.

Конференцияда авж олиб кетган мунозара, деб таъкидлади пировардида нотиқ, шуни кўрсатиб турибдики, партия ҳеч кимга ва ҳеч қачон сиёсий пешқадамликни бериб қўймоқчи эмас. Айни вақтда шу нарса ҳам равшанки, бундан буён жамиятга эски методлар билан раҳбарлик қилиб бўлмайди. Украина коммунистлари КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг қайта қуришнинг ниҳоятда актуал вазифаларини ҳал этишга новаторларча, теран ижодий ёндашувини яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Тарихнинг бурилиш палласида партия сафларининг мустаҳкам бирлиги ҳар қачонгидан кўра ҳам муҳимдир.

«Давр телеграф торидек гувуллаб турибди, юрагим эса ҳақиқат билан биргадир», — Пермдаги 130-мактабнинг муаллимаси **С. А. Федотова** Маяковскийнинг ана шу шеърий мисраларидан ҳозирги кунимиз муҳитини таърифлаш учун фойдаланди. Пермь делегацияси, область меҳнаткашлари номидан у бошланган демократиялаш жараёни руҳи ва йўналишини, КПСС Марказий Комитети докладининг барча қоидаларида ўз аксини топган демократиялаш мақсадлари ва ғояларини — партия ва жамоат органлари ишларини чегаралаб қўйиш ва аниқ белгилаш, лавозимда бўлиш муддатини аниқ муҳлат билан чегаралаш ғояларини қўллаб-қувватлади.

Ўртоқ Ульянов ҳозиргина сўзга чиқиб, кечувда отларни алмаштиришмайди деган иборани айтди, деб давом қилди у. Шундай бўлса ҳам мен икки муддат бемалол кифоя қилади, деб ўйлайман. Михаил Сергеевичнинг эса керакли ҳамма нарсаларни бажаришга улгуриши учун ҳали вақти бор, биз ҳам бунда унга ёрдам берамиз. **(Қарсаклар).**

М. С. Горбачев: Ахир мен ҳали айтдим-ку: келинг, бу ерда ўтирганлар ва бу ерга келиш насиб этмаганлар тўғрисида эмас, балки мамлакат, партия, халқ тўғрисида ўйлайлик. Биз тўғри қарорларни ишлаб чиқишимиз лозим. Ана шу тўғри қарорлар ҳамма нарсани жой-жойига қўяди. Акс ҳолда биз кимга қандай қулайроқ бўлар экан, деб чалғиб кетамиз.

Халқ маорифи учун, деди муаллима, демократия мактаб яшаши мумкин бўлган ҳамда яшаши лозим бўлган тоза ва мусаффо ҳаводир. Фақат тўла демократия шароитидагина мактаб ижодий шахсни, замонага мос фикр юритадиган ва актив ҳаракат қиладиган граждани тарбиялашдек социал бўюртмани бажариши мумкин бўлади.

Мамлакат ўқитувчилари маънавий покланишнинг мураккаб ва муросасиз даврини ҳам, жамият олдидаги ўзларининг ниҳоятда юксак масъулиятларини ҳам тўла англаб турибдилар. Ўзига эргаштириб бориш учун муаллимнинг ўзи қандай бўлиши керак? Агар катта мезон билан ўлчайдиган бўлсак, «Ўқитувчи» номи буюк ишларга дахлдорлик, таргиботчининг эҳтироси, шоирнинг илҳоми, тадқиқотчининг қизиқиши, ақл-заковат ва шу билан бирга болаларнинг ишонувчан ва талабчан нигоҳи ҳамда қалбларига маънавий ва чин дилдан ҳамоҳанг бўлиш демакдир.

Бошқа ихтисосдаги ўқитувчининг нутқи вазминроқ бўлиши мумкин эди, аммо мен — тарих ўқитувчисиман, деб давом қилди нотиқ. Мен дарсликда бирон бир масала нотўғри ёритилганлиги, бошқа бир масала бузиб кўрсатилганлиги, яна бошқа бири эса тарихий ҳақиқатга мувофиқ эмаслиги ҳақида гапира бошлаганимда, қанчалик қайғу аламни бошдан кечиришимни, баъзида эса ҳатто уялиб кетишимни тушунарсизлар. Шу боисдан ҳозир ва эҳтимол ҳатто кейинчалик ҳам ўз мамлакатимиз тарихини, асосий ўқув дарсини газета ва журналлардаги мақолалардан ўрганишга мажбур бўлсак керак. Бу мақолалар ҳам ўтмишнинг, ҳатто келажакнинг ҳам, айниқса социалистик қурилиш босқичларининг энг муҳим муаммоларини ёритишда, жамият сиёсий системасининг роли ва моҳиятини белгилашда баъзан субъектив, баъзида зиддиятлидир.

Бизга ижтимоий фанлардан янги программалар, дарсликлар ниҳоятда керак. Лекин энг аввало бизга тарихий ҳақиқат даркор. Бунда мен ўртоқ Карповнинг фикрига қўшиламан; аччиқ ҳақиқатгина эмас, шу билан бирга сафарбар этувчи ҳақиқат ҳам керак, вазминлик билан тўғри баҳо бериш, тарихий жараёнларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, уларни холисона, замонавий идрок этиш лозим. Ўқитувчининг бу сўзларини залдагилар маъқуллашди.

Сўнгра у ўзининг фикрини давом эттириб, қуйидагиларни таъкидлади: Мана шуларнинг ҳаммаси ёш авлод билан ишлашда ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда, чунки биз ёшларнинг маънавий соғлиги, уларнинг гражданлик позицияси тўғрисида ҳаммадан кўпроқ қайғурмоқдамиз ва ташвишланмоқдамиз.

Бунда комсомол алоҳида роль ўйнайди, деб ҳисоблайди нотиқ. Унинг фикрича, КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида ёшларга ва уларнинг сиёсий ташкилотига камроқ жой ажратилган. Эҳтимол Бутуниттифоқ конференциясининг яна бир ҳужжати — ёшларнинг муаммолари ва жамият турмушида сиёсий ташкилот сифатида Ленин комсомолининг роли тўғрисидаги алоҳида резолюция ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керакдир?

Мактаб ёш авлодни камол топтириш маркази бўлиши лозим. Аммо мисоллаб юзага келаётган янгилик эски ақидаларга асосан ёндашувларнинг қутуриб турган денгизига ғарқ бўлмоқда. Партия органларининг қарорлари секинлик билан амалга ошириляпти. Халқ хўжалигини бошқаришнинг принципиал янги системаси амалда рўёбга чиқарилмаяпти.

Ўқитувчи хўжалик ҳисоби шароитида мактабларнинг базавий корхоналари билан ўзаро муносабатлари муаммосига тўхталиб, бундай деди: ҳисоблаш кераклигига эътироз билдирмайман, аммо бугун ҳисоблаб олинган ва қўлга киритилган тийинлар-у, сўмлар эртага анча катта бой беришларга айланиб кетмасмикан?

Янги инсонни тарбиялашда ўқитувчининг роли, қайта қуриш жараёнидаги унинг ўрни ғоят каттадир. Шу жиҳатдан педагог социал мансублигига қараб партияга қабул қилишдаги чеклашлардан воз кечиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Фанлар академиясининг президенти **Г. И. Марчук** делегатларга мамлакатда фундаментал илмий тадқиқотларни ташкил этиш соҳасида вужудга келган вазиятни таҳлил этиб берди. У кейинги ўн йиллар мобайнида илм-фан билан халқ хўжалиги ўртасида, илм-фан билан маориф ўртасида алоқалар аслида узилиб қолганлигини айтди. Бу ҳол жамият турмушида илм-фаннинг роли кескин пасайиб кетишига, унинг ўз потенциали заифлашувига олиб келди.

СССР Фанлар академиясининг президенти қайта қуриш илм-фан олдига қўяётган масъулиятли вазифаларни ҳал этишга, у нима учун тўла даражада шай эмас, деган саволга жавоб қайтара туриб, фундаментал илмий тадқиқотлар молиявий жиҳатдан қониқарсиз таъминланаётганлигини асосий сабаблар жумласида айтиб ўтди. Ў СССР билан АҚШнинг илмий потенциали тўғрисидаги қиёсий маълумотларни келтириб, биз илм-фанга сарфланаётган маблағлар жиҳатидан ҳам, олимнинг фонд билан таъминланиши жиҳатидан ҳам, фундаментал тадқиқотлар билан шуғулланувчи илмий ходимларнинг сони жиҳатидан ҳам кескин орқада эканлигимизни кўрсатиб ўтди. Мамлакатимиз истеъдодли олимларга ва жаҳон аҳамиятидаги йирик илмий мактабларга эга бўлишига қарамай, бу тафовут ортиб бормоқда, деб таъкидлади нотиқ.

Аммо Г. И. Марчук илм-фан соҳасидаги узоқ муддатли снёсатни қайта кўриб чиқиш зарурлигини унга маблағ ажратини яхшилашдангина ибора деб билмайди. Илм-фаннинг тақдири конференцияда муҳокама этилаётган муммонинг ҳал қилиниши, турмушнинг барча томонларини демократиялаш муаммоси билан чамбарчас боғланган, деб таъкидлади у. Иттимоий алоқалар ва мунсабатлар системасида илмфаннинг етарлича юқори даражадаги мустақиллигисиз ,ни уйғун равишда ривожлантиришнинг иложи йўқ. Илм-фан икки чикирлардан ,ли бўлиши ва ўз тараққиётига доир ҳам, шунингдк мамлакат тараққиётининг умумий социал-иқтисодий жараёнига доир ҳам барч масалалар юзасидан мустқил иш кўриш имкониятга эга бўлиши керак.

Нотиқ олимларнинг граждан лик масъунияти, уларнинг жамият маммолари ва эҳтиёжларини ўткир ҳис этиш даражасини ошириш зарурлигини илм-фан тараққиётининг иқинчи муҳим шарти, деб аади. У илм-фанимизнинг оғлом қучларини қайта қуриш платформаси, тарқоқлжка йўл қўймаслик асосида жипслаштириш негизидгина шунга эришиш мумкнлигини таъкидлади.

Ғоялар, фикрлаш, ёндашувлар кураши илм-фанда бошқа ҳар қандай соҳага қараганда қўпроқ зарур. Бунда монополизм ҳар қандай жойдагига қараганда ҳалокатлироқдир. Илмий мактабларнинг мусобақаси, рақобатчилиги, уларнинг кенг халқаро ҳамкорлигигина тараққиёт учун қудратли ички омилни вужудга келтиришга қодирдир. Аммо бунинг учун кенг ошкоралик, мунозаралар, тан ни баҳам кўриш керак, деб таъкидлади пировардида СССР Фанлар академиясининг президенти. Шу муносабат билан у илм-фан муаммоларини ёритадиган ҳафтаномани, Бутуниттифоқ газетасини нашр этиш зарур деган фикрни билдирди.

Раислик қилувчи **В. П. Никонов** Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **С. Г. Арутюнян**га сўз беради. Биз республикамизда қайта қуриш нотекис, зиддиятлар билан, янгиликнинг эскилик билан қаттиқ кураши орқали бораётганини биламиз, деди нотиқ. Жуда ғалати вазият вужудга келди. Оммaнинг интилишлари, улардаги қайта қуриш руҳи, турғунлик ҳолатларининг фаол рад этилиши республика раҳбариятининг қолоқлигига дуч келди. Республика раҳбарияти меҳнаткашларга бошчилик қила олмадигина эмас, улардан орқада қолиб, қандайдир тўсқинлик механизмига айланиб қолди.

Ереванда 1 Май намойишига коллективлардан бири «Йўқолсин порахўр амалдорлар» деган шиорни кўтариб чиқди. Бу баралла эшитилган овоз даврга хос белги эди: Пушкин сатрлари билан «халқ жим турибди» дейиш мумкин бўлган даврлар энди қайтиб келмайди.

Делегат танқидга тўғри муносабатда бўлиш, вазифаларни чиқакамига ҳал қилиш ўрнига республикада юзаки чоралар билан, қайта қуриш саробини вужудга келтириш билан чекланишга уриндилар, деб таъкидлади. Ҳозир кучли социал сиёсатни амалга ошириш Арманистон учун энг масъулиятли иш бўлиб қолди. Социал тараққиётнинг бир қанча кўрсаткичлари жиҳатидан Арманистон мамлакатимизда сўнгги ўринлардан бирида турибди. Фақат танқиднинг ўзи билан ўзгариш қилиб бўлмайди, амалий концепция керак, омманинг куч-ғайратини янгиланиш вазифаларини ҳал этишга қаратадиган программа бўлиши лозим. Энг муҳими эса,— дейишди ишчилар конференция олдидан бўлиб ўтган учрашувларда,— республикада соғлом маънавий муҳитни вужудга келтиришдан иборат. Ана шундай муҳит бўлса, иш ҳам юришиб кетади. Биз ишни шундай муҳитни вужудга келтиришдан бошламоқдамиз, лекин қилинадиган улкан ишларни жамият барча қатламларининг куч-ғайрати билангина амалга ошириш мумкин.

Нотиқ миллий муносабатлар проблемасига катта эътибор берди. Ҳозирги давримиз, деди у, бу соҳадаги жуда кўп мураккабликларни яққол кўрсатди. Улар олдин ҳам бор эди. Лекин илгари улардан кўз юмиларди. Тоғли Қорабоғ муаммоси ана шулардан биридир. Арманистон ва Озарбайжонда юз берган вазият кескин тус олди. Бунинг сабаблари тарихий, социал, иқтисодий, маданий, этник муаммоларга, шахсга сиғиниш ва турғунлик даврида юз берган миллий сиёсатдаги бузилишларга бориб тақалади. Бугунги кескин вазиятга қайта қуриш ва ошкоралик сабаб бўлмоқда, дейиш қайта қуриш ва ошкораликни тақиқлашдир. Ҳолбуки, баъзи бировлар ана шундай деб исботлашга уринмоқдалар. Мавжуд зиддиятларни ҳал этишни пайсалга солиш вазиятнинг ҳозиргидек кескинлашувига олиб келган. Юз берган аҳволни экстремист группаларнинг ҳаракатлари билангина изоҳлаш ҳам нотўғри бўлур эди. Бу содда ёндашув масалани ҳал этишга хизмат қилмайди. КПСС Марказий Комитети Тезисларида айтилганидек, миллатлараро муносабатлар проблемаси чинакам демократик негизда ҳал қилиниши лозим.

Тоғли Қорабоғ ва унинг теварагидаги воқеалардан қандай сабоқ чиқариш мумкин? Аввало ҳамма даражада — умуминиттифоқ даражасида ҳам, регионал даражада ҳам миллий масалани ҳамиша диққат марказида тутиш керак. Вужудга келаётган муаммоларни ўз ҳолига ташлаб қўймай, вақтида ўрганиш муҳимдир. Ҳозир Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети билан биргаликда биз (бу ҳақда бугун ўртоқ Везиров ҳам гапириб ўтди) иш олиб бормоқдамиз, бу соҳадаги ҳаракатларимизни мувофиқлаштириб турибмиз. Вужудга келаётган миллатлараро муаммоларни конституцион негизда ҳал қилиш учун пухта ўйланган аниқ механизм бўлиши лозим. Нотиқ конференциядаги докладда баён қилинган мамлакат сиёсий системасини ислоҳ қилиш миллатлараро муносабатлар муаммосини чуқур ўрганиб чиқадиган институтлар бўлишини кўзда тутар, деган ғояни маъқуллаш. СССР Олий Совети Миллатлар Совети фаолияти тўғрисидаги масала тўғ қўйилмоқда. Ҳозир ам қилиб турган Конституция турғунлик даврида қабул қилиб чиқилган эди. Конференция янги таҳрирда СССР Конституциясини қабул қилишга киришишни тавсия қилса, тўғри бўлур эди, деб таклиф қилди делегат.

(Давоми учинчи бетда).

Суратда: ўзбекистонлик делегатлар Кремлнинг Съездлар саройида.
ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ҚАЙТА ҚУРИШ МИЛЛИОНЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИШИДИР

(Давоми. Бошы биринчи ва иккинчи бетларда).

Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари делегат **Е. Е. Соколов** конференция президиумига тушган хатлардан бирида айрим нутқларнинг ўз иши ҳақида ҳисобот тусида эканлиги тўғрисидаги билдирилган фикрга қўшилмади. Ҳозир қайси жойларда қайта қуриш авж олиб бораётганини, қаерларда тўхтаб қолаётганини ва нима учун шундай бўлаётганини аниқлаб олиш муҳимдир, деди у. Нотиқ қайта қуриш жойидан силжимаяпти, деган кишиларга эътироз билдирди. У сўнгги икки йил ичида республика экономикаси ва социал соҳасининг ривожланиши тўғрисидаги статистика маълумотларини келтирди. Яхшиланиш сари ўзгаришлар кўзга ташланиб қолди, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва етиштириш кўпайди. Маданият, маиший хизмат, соғлиқни сақлашнинг янги объектлари кўпаймоқда. Лекин жадаллаштириш суръатлари етарли эмас. Делегат хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитида корхоналар фаолиятига тўхталиб, келгуси йилдан бутун Белоруссия экономикаси янгича шароитда ишлашга тўла ўтиши мумкинлигини айтди. Суръатни ошириш тенденцияси — совет халқларининг дўстлиги, ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бораётганлигининг натижаси эканлигини ҳам айтиб ўтди.

Нотиқ фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқаси тўғрисида гапириб, халқ хўжалиги манфаатларини кўзлаб, тадқиқотлар ўтказишга кўпроқ маблағ ажратиш зарурлигини таъкидлади. Унинг гапларига қараганда, агросаноат комплексининг илмий муассасалари ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан четда турибди. Буни у, хусусан, ем-хашак ишлаб чиқариш мисолида кўрсатиб берди, бу соҳада аллақачон эскириб қолган технологиядан фойдаланилмоқда, маҳсулотнинг кўплаб нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда. Делегатнинг фикрича, мелиорация ишлари учун харажатларни камайтириш мумкин эмас. Республика учун ботқоқ жойлар муаммоси ўткир бўлиб турибди ва бу муаммони ҳал этиш зарур. Мелиорацияни менсимаслик, деди нотиқ, озиқ-овқат муаммосини ҳал этишни секинлаштиришга уриниш демакдир.

Демократия билан сафсатабозликнинг фарқига бориш керак, деди сўнгра нотиқ, мулоқот олиб боришни, баҳс-мунозараларда ишонарли далиллар ва фактлар келтиришни ўрганиб олиш лозим.

Делегат янги кишини тарбиялаш муаммоси тўғрисида гапириб, қайта қуриш сўз, шиорлар билан эмас, балки ишда, амалда одамлар психологиясини ўзгартираётганлигини таъкидлади.

Докладдаги қоидалар ва хулосаларни биз идрок этаётган ҳозирги пайтда, деди нотиқ, шуни қатъий айтиш керак: одамларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқди. Бу ички ташвишларимизга ҳам, халқаро ишларимизга ҳам тааллуқлидир. Совет халқи тарихида ўн тўққизинчи Бутуниттифоқ партия конференцияси узоқ йиллар давомида бизга маънавий ва руҳий куч бағишлайдиган, социалистик Ватанимиз бахт-саодати йўлида янги марраларни эгаллашга даъват этадиган илҳом манбаи бўлиб қолади.

Россия Федерацияси Ёзувчилар союзи правлениеси раисининг ўринбосари, СССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретариати бюросининг аъзоси **Ю. В. Бондарев** жамиятнинг маънавий ва маданий меросини сақлаб қолиш ва улардан эҳтиёт қилиб фойдаланиш зарурлиги ҳақида гапирди. Бизнинг эски дунёни таг-туги билан бузиб ташлашимиздан маъно йўқ, кимдир пешона тери билан яратган тариқазорни топташимиз керак эмас. Биз ҳали қуриб битказилмаган саройнинг қаватларини қайта планлаштиришдан иборат бош мақсадни эсдан чиқариб, унинг пойдеворини қудратли замонавий бульдозерлар ёрдамида вайрон қилмаслигимиз лозим. Биз ақл-заковатимиз онг ертўласига, шубҳа-гумон эса эҳтиросга айланишига қаршимиз. Тарих устахонасининг тиғи остида қимирламай ётган тажрибадаги қуён бўлиш инсонга ярашмайди. Биз қайта қуришни бошлаган эканмиз, табиатнинг, бутун дунёнинг, воқеалар, нарсаларнинг ҳали билиб етилмаган гўзалликлари намоён бўлишини истаймиз. Ҳар қандай миллатнинг халқ маданиятини адолатсиз ҳукмдан асраб қолишни истаймиз. Биз ўз жамиятимизнинг ёлғиз кишиларидан иборат оломон бўлиб қолишига, ҳамма ёққа суқулаётган ёт реклама ваъда қилаётган ҳашаматли турмушнинг олдисотди истеъмолчилик тузоғига ихтиёрий равишда илиниб қолишига қаршимиз.

Ҳозир, деб таъкидлади нотиқ, ҳар бир киши тараққиётнинг муқаррар қонунлари тарихий мантиқини идрок этиб оладиган пайт келди. Бизнинг қайта қуришимизни етиб бориладиган жойда қўниш майдончаси бор-йўқлигини билмай осмонга учирилган самолётга ўхшатиб бўладими? Ҳамма музокараларга, демократия ҳақидаги, ошкоралиги кенгайтириш тўғрисидаги баҳсларга қарамай, биз ҳамманинг моддий фаровонлиги ва маънавий бирлашуви йўлида қайта қуришнинг маънавий мақсади хусусида ҳамжиҳат бўлганимиздагина енгилмас бўлиб қола оламиз. Мана шу ҳамжиҳатлик етиб бориладиган манзилда қўниш майдончасини бунёд этади.

Бироқ, дейди ёзувчи, матбуотимизнинг бир қисми қайта қуришни жамики борлиқни беқарорлаштириш, ишонч ва маънавиятни тафтиш қилиш деб тушунди. Ҳатто жиддий матбуот органлари ҳам, деди у, кейинги вақтларда «экстремизм шунқорлари»га зўр эътибор бериб, ҳамма нарсани — ахлоқ, мардлик, муҳаббат, санъат, истеъдод, оилани, буюк революция ғояларни шубҳа остига қўя бошладилар. Инкор этувчи танқидчиларнинг мана шу қисми, ёзувчининг фикрича, матбуотда буйруқ берувчи куч бўлиб қолмоқда. Мана шу танқидчилар адабиётдаги сиёсат устидан, одамларнинг тақдири ва қалби устидан танҳо ҳукмронлик қиладиган давримиз келди, деб ишонмоқдалар.

Нотиқ дедики, ҳозир кўп жиҳатдан, айниқса, ёшларда ҳақиқатга, тарихга, деярли бутун ўтмишга, кекса авлодга, ички инсоний виждонга, адолатга, холисона ошкораликкa ишонч қўпорилди, у доимо бир ёқлама ошкораликкa айлантириб юборилмоқда: туҳматга учраган киши жавоб бериш имкониятидан маҳрум қилиб қўйилмоқда. Матбуотнинг одобсизлиги одобга ўргата олмайди. Чамаси, газета ва журналлар бош редакторларининг кабинетларидаги ҳамма кишилар ҳам ошкоралик ва демократия — Иван Карамазов фалсафаси бўйича бедодлик эмас, балки юксак ахлоқий гражданлик интизоми эканини тўла-тўкис англаб етмаяптилар ёки англашни хоҳламаяптилар.

Нотиқ мана шундай позиция натижасида босилган кўпдан-кўп мақолаларни санаб ўтди. Мана шуларнинг ҳаммаси салбий фикр пайдо бўлишига олиб бормоқда. Бу ҳолни ёшлар билан учрашувларда тез-тез кўриш мумкин, шундай ҳолларда ишончнинг бир миқдори баъзан донишманднинг ҳар қандай тажрибасидан қимматлироқ бўларкан, деб ўйлайсан, киши.

Ёзувчи фаолиятнинг ҳар қандай соҳасидаги истеъдодли кишиларни авайлаб-асраш нақадар муҳимлиги ҳақида батафсил гапирди. Эркинлик — инсоннинг олий маънавий ҳолатидир, бу соҳада ўзини тийиш эса айни шу маънавиятнинг кўриниши, яъни ўзини ўзи оқилона ҳурмат қилиш ва яқин кишисини ҳурмат қилишнинг кўриниши тарзидаги заруратдир.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Краснодар ўлка партия комитетининг биринчи секретари **И. К. Полозков** ўз нутқини қайта қуришнинг бориши муаммоларига, унинг суръатини оширишга нималар халақит бераётганига бағишлади. Жумладан, у янги иқтисодий механизми жорий этиш жуда орқада қолаётганини таъкидлади. Янгиланиш мафкураси ҳали одамлар онгига яхши сингиб бормаяпти.

КПСС Марказий Комитетининг қайта қуриш йўли чинакам революцион ҳужжатларда мужассамлаштирилган, деб таъкидлади делегат. Бироқ, афсуски, аввалги даврларда бўлганидек, ҳозир ҳам бу ҳужжатларнинг кўпи бажарилмаяпти. Бунинг устига мазкур ҳужжатлар марказий ва маҳаллий идораларнинг эски бюрократик аппаратига тушиб, ўз қимматини йўқотмоқда, турли-туман қўшимчалар билан бўшаштириб юборилмоқда. Масалан, Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонун шундай қилинди.

Давлатимизни демократиялашнинг бош йўли халқ депутатлари Советларининг ваколатларини тўла-тўкис қайта тиклашдан иборат. Ҳозир уларнинг иши ҳақиқатан ҳам юзакилашиб кетган, ҳуқуқлари камайтириб юборилган, вазифалари эса тобора ошиб бормоқда. Сўнгра нотиқ халқ депутатлари Краснодар ўлка Советининг иши мисолида ўз фикрини исботлаб берди. У Совет ўзига қарашли органларнинг бошқарув структурасини мустақил ўзгартира олмаслигини, ишлаб чиқариш ва социал эҳтиёжлар учун бир парча ер ажратиб бера олмаслигини, ресурсларни вужудга келган вазиятларга қараб тақсимлай олмаслигини гапириб берди. Посёлка ва қишлоқ Советлари эса умуман ҳуқуқсиз бўлиб қолган.

Ҳокимиятни маҳаллийлаштиришни, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга тааллуқли вазифаларни жойларнинг ўзига олиб беришни қонун йўли билан ҳал қилиш керак, деб ҳисоблайди нотиқ. Регионларни ўзини ўзи таъминлашга ўтказиш йўли билан мамлакатдаги бутун хўжалик турмушини анча жонлантириш мумкин. Чунки маҳсулотларни бир марказдан тақсимлаш системаси тайёрга айёрлик кайфиятини келтириб чиқаради, ташаббусни бўғади. Планлаштириш системасини ўзгартириш, ресурсларнинг улгуржи савдосини ўзлаштириш йўли билангина мана шу нормал аҳволни тузатиш мумкин. Халқ истеъмоли молларига бериладиган давлат буюртмасини мавжуд имкониятларнинг 70 процент ҳажмига етказиш, Советларга қолган 30 процентдан ва пландан ташқари жами маҳсулотдан ўз хоҳиши билан фойдаланишларига ижозат бериш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Сўнгра делегат партиянинг кадрлар сиёсати муаммоларига тўхталди. Партия комитетлари совет, хўжалик органларининг вазифаси билан шуғулланаётганликлари, ишдаги маъмуриятчилик-тазйиқ ўтказувчилик усуллари учун ҳақли равишда таҳқид қилинмоқдалар, деб уқтирди у. Партиянинг қўпгина кадрлари янгичасига ишлашга тайёр эмасликларини тан олиш керак. Партия аппаратига кўпинча сиёсий комиссарларни эмас, балки саноат, қурилиш, савдо ходимларини қабул қилганлар. Масалан, КПСС Марказий Комитети аппаратининг структурасини олиб кўрайлик. Унинг бўлимларида министрликлар ва бош бошқармалар билангина эмас, ҳатто уларнинг кичик бўлимлари билан ҳам шуғулланадиган кишилар бор. Бу эса кўп жиҳатдан ўлка, область ва район партия комитетларининг структураси ва иш услубини олдиндан белгилаб қўяди. Партия аппаратини тармоқ принципи асосида қуришдан воз кечиш зарур.

Ҳар қандай сиёсий ташкилот учун кадрлар билан ишлаш ҳамма замонларда бош масала бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми ишлаб чиққан кадрлар сиёсати ҳозирнинг ўзидаёқ самара бермоқда. Бироқ муаммоларни қамраб олишда мунтазамлик, бир бутунлик ҳали ҳам етишмаяпти. Ўлка партия комитети биринчи секретарининг фикрича, бу масалаларни ҳал қилиш учун партия комитетларида кадрлар сиёсати бўлимлари бўлиши зарур.

Мамлакат ёшлари қайта қуришни қўллаб-қувватлади, деб таъкидлади ўз нутқида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **В. И. Мироненко.** Бироқ деб таъкидлади у, ёшлар орасидаги аҳвол мураккаб ва зиддиятлидир. Сиёсий лоқайдлик ҳам, ишонмаслик ҳам, ошкора янглишиш ҳам ҳамон барҳам топгани йўқ. Йигит-қизларнинг бир қисми революцион иборалар гирдобидан чиқа олмаяпти.

Нотиқ ёшларнинг СССР Олий Советидаги бевосита вакиллиги тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади. У Конституцияга тузатиш ёки қўшимча киритиб, унда мазкур қоидани ҳамда давлат билан жамиятнинг ёш авлод тарбиясига алоҳида муносабатини, шунингдек мана шу умумхалқ ишига била туриб ёки ихтиёрсиз зарар етказганлик учун халқ билан давлат олдидаги жавобгарликни мустаҳкамлаб қўйиш зарурлигини айтди. Нотиқ ёшларнинг энг зарур муаммоларини ҳал этиш юзасидан жиддий умумдавлат чора-тадбирлари зарурлигини уқтириб ўтди.

Комсомол социалистик демократияни ривожлантириш, социалистик ҳуқуқий давлатни қарор топтириш йўлидаги куч-ғайратларни қатъият билан қўллаб-қувватлайди, бу давлатда халқларнинг ўз хоҳиш-истагини амалда эркин изҳор қилиши, Советлар ҳокимияти, қонун олдидаги тўла тенглик таъминланади. Аммо комсомол социалистик фикрлар ҳар хиллигининг мажбурий шарти тарзида кўп партиялилик ғоясини тиқиштириш, КПССнинг жамиятимиздаги авангард ролини бажариш қобилиятини шубҳа остига қўйиш йўлидаги ҳар қандай уринишларни ҳам қатъият билан рад қилади. Биз шунга аминмиз: социалистик жамиятни янгилашнинг бирдан-бир реал сиёсатини ишлаб чиққан Ленин партиясигина бу ишга бошчилик қилишга ва уни ниҳоясига етказишга қодирдир.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари тегишли партия ташкилотлари раҳбарларининг Советларга раис қилиб сайланиши тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади. Унинг фикрича, мана шундай қилинганда Советлар кучлироқ, партия эса халққа яқинроқ бўлиб қолади.

Нотиқнинг эътиқодича, комсомол партиянинг бевосита раҳбарлигида ишлаши керак, аммо у партиянинг сиёсий йўлини ишлаб чиқишда анча активроқ иштирок этиши лозим.

Биз партиянинг комсомолга икир-чикир васийлигини бартараф этиш тарафдори бўлиб чиқяпмиз, аммо бунда партиядан йироқлашишни ва ўзимизнинг алоҳида ёшлар сиёсатини ўтказишни кўзламаймиз. Биз 30-йилларда комсомол сиёсат соҳасидан ҳақиқатда суриб чиқарилганидан кейин, эҳтимол, биринчи марта партияга ҳақиқатан ҳам сиёсий жиҳатдан яқинлашиш ва ёшлар ўртасида партиянинг таъсирини қарор топтириш тарафдоримиз. Партия ташкилотларининг комсомолга икир-чикир васийлигини тугатиш учун комсомолни партиядан бироз йироқлаштириш керак, деб кейинги вақтларда билдирилаётган нуқтан назарни ВЛКСМ Марказий Комитети жуда қаттиқ янглишиш, деб ҳисоблайди. Бу ғояни амалга оширишга уриниш комсомол учун ҳалокатли бўлиши ва партия учун таҳликали сиёсий оқибатларни келтириб чиқариши турган гап, деб таъкидлади ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Комсомол, деди у, барча совет ёшларининг сиёсий авангарди бўлиш учун курашаверади. Биз комсомол билан ёшларни, йигит-қизлар билан катталарни жипслаштиришни, қайта қуриш учун, янгиланган социализм учун курашнинг ўзига хос ягона фронтини вужудга келтиришни ўз вазифамиз, деб биламиз. Ёшлар ва комсомолларнинг социализм манфаатларига, халқ манфаатларига хизмат қиладиган ижтимоий ҳаваскорлиги барча усулларини жуда кенг миқёсда ривожлантиришни табриклаймиз ва қўллаб-қувватлайверамиз. Бизнинг бош вазифамиз эса коммунистик ёшлар союзининг ленинча концепциясини қайта тиклашдан, уни бюрократизм ва расмиятчилик иллатларидан халос қилишдан иборат.

СССР 50 йиллиги номли Иваново станоксозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори **В. П. Кабаидзе** қайта қуриш жараёнида ҳал этилмаган муаммолар тўғрисида жонкуярлик билан гапирди. Унинг фикрича, конференцияда одамлар ишона оладиган стратегияни ишлаб чиқиш керак. Ҳал қилиш лозим бўлган бош вазифа мана шундан иборат. Экономика энг кўп оқсаётган соҳадир. Нотиқ янги хўжалик механизмини жорий этиш ҳақида гапириб, ўзини ўзи пул билан таъминлаш муаммосига тўхталди. Бу — жўн иш эмас. Аммо унга ҳамма нарса ҳам тахт қилиб қўйилмади. Аввало министрликлар тайёргарлик кўришмади. Ҳолбуки, дунёнинг биронта мамлакатида бизнинг мамлакатимиздагидек кўп министрлик йўқ. Шунинг оқибатида ишга қанчалик зарар етаётганини тасаввур этиш мумкин. Бошқарувнинг ҳамма бўғинларини, шу жумладан министрликларни ҳам ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш керак.

Нотиқ тармоқ бошқарувининг олий бўғини фаолиятини батафсил таърифлаб, министрликлар ҳақиқий мувофиқлаштирувчи марказлар бўлиб қолсин, деган таклифни киритди. Шундагина улар буюртмаларни яхши тақсимлаш, илғор технологияларни жорий этиш ва шу каби йўллар билан ўзларига маблағ ишлай оладилар. Бу эса министрликларга яхшироқ ишлаш имконини беради, халқ эса кимни боқиш керак-у, кимни боқишнинг ҳожати йўқлигини ўзи ҳал қилади, деди делегат.

Нотиқнинг фикрича, илм-фанни ҳам ўзини ўзи пул билан таъминлашга тезроқ ўтказиш лозим. Чунки мамлакатда юзлаб илмий муассасалар, бор, уларнинг жуда оз қисмигина самарали ишламоқда. Москванинг ўзидагина йирик илмий марказларга бирлашган юз минглаб илмий ходимлар бор, уларнинг қайси бирлари ўзлари учун уй-жой, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар ва бошқа объектлар қурилишига ҳақиқатан ҳам пул топмоқда? Агар бу иш йўлга қўйилганида, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари шу минбарга чиқиб, мазкур муаммоларни ҳал этишда ёрдам сўрамаган бўларди.

Ишлашни ўрганиш зарур, деб таъкидлади нотиқ. Буни қандай қилиб ўрганиш ҳақида ҳаддан ташқари кўп гапираётганимиздек, назарий жиҳатдан эмас, балки амалий жиҳатдан шундай қилиш керак. Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим, деган мақолни эсда тутиш керак.

«Негадир бизда оқсоқоллар ва қашшоқларни яхши кўрадилар», — деди нотиқ ва кўпгина корхоналарнинг тайёрга айёрлик кайфиятини қаттиқ танқид қилди, бу кайфият қайта қуришга халақит бераётганини айтди. Конференция арафасида мен барча машинасозлик корхоналарига бордим, коллективлар билан учрашдим, уларнинг наказларини қабул қилдим, деди нотиқ. Деярли ҳамма жойда: уни беринг, буни беринг, деган бир хил гапни эшитдим. Сўраш хўрликдир, ишлаб топиш керак.

Нотиқ қоғозбозликка қарши қаттиқ курашга даъват этди. XXVII съезддаёқ у ҳар бир делегат уйига қайтиб боргач, бештаеттита ортиқча қоғозни йиртиб ташласин, деган таклифни киритган эди. Ҳозир эса қоғоз оқими камаймаётганлиги, балки кучайиб бораётганлиги кўриниб турибди. Энди у қоғозларга қарши эмас, балки қоғозбозларга қарши курашиш ҳақида таклиф киритади.

Ҳозир, деди КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Б. К. Пуго,** совет кишилари мамлакатнинг келажаги, социализмнинг келажаги ўзларига боғлиқ эканини тобора равшанроқ тушуниб турибдилар. Норасолик иллатлари, юқоридан кўрсатма кутиб яшаш одати ўтмишда қолмоқда. Одамлар қайта қуришнинг тақдирини ўзларининг жонажон ишлари деб билиб, шу ҳақда жонкуярлик қила бошладилар.

Конференцияга тайёргарлик кўриш давомида Совет Латвиясининг коммунистлари, меҳнаткашлари республика, бутун мамлакат социал иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш хусусида минглаб танқидий мулоҳазалар айтишди. Бу танқид ва мулоҳазаларнинг кўпи партия комитетлари шанига айтилди. Бу эса одамлар партияни қайта қуришни бошлаган ва давом эттираётган, турмушни яхши томонга ўзгартиришни хоҳлайдиган ва буни уддалай оладиган ҳал қилувчи куч деб билаётганликларидан далолат беради.

Бироқ бошқа нарсани, партияга ўнгдан ҳам, сўлдан ҳам ҳужум қилинаётганини пайқамасдан бўлмайди. Баъзилар партия қайта қуриш жараёнини ортиқча жадаллаштириб юбормоқда, деб ҳисобласалар, бошқалар бизни қатъиятсизликда айблямоқдалар. Дарвоқе, тараққиётимиздаги кўпгина зиддиятлар социализмнинг табиатидан эмас, балки тезликни ва ўзгартиш-ларнинг навбатини нотўғри танлашдан келиб чиқади. Бизнинг хато қилишга ҳаққимиз йўқ: XIX партия конференциясидан умид жуда катта. Ундан қайта қуришни қандай қилиб олга силжитиш керак, унга қандай қилиб муқаррар тус бериш лозим, деган саволларга аниқ ва равшан жавоб қайтаришини умид қилмоқдалар. Бинобарин, биз энг тўғри стратегияни ишлаб чиқишимиз шарт.

Кейинги вақтларда қайта қуриш раҳбарлари номини даъво қилувчилар кўпайиб кетди. Аммо бизнинг жамиятимизда янгиланишнинг бориши учун масъулиятни ўз зиммасига ола биладиган бошқа куч йўқ. Биз эски хизматлар эвазига яшай олмаймиз, амалий иш билан омма орасида обрў орттиришимиз, Ленин таълим берганидек ишлашни ўрганишимиз керак. Биз сафсатабозлар ва сохта революционерлар ташаббусни қўлимиздан тортиб олиб, одамларни қайта қуришнинг катта йўлидан четга судрашларига йўл қўя олмаймиз.

Ленинча миллий сиёсатни пухта ўйлаб вазминлик билан ривожлантириш учун бизнинг зиммамизга алоҳида масъулият тушади. Биз совет халқларининг социал ва сиёсий активлиги, уларнинг миллий ўзлигини англаши кучайиб бораётганини кўриб турибмиз. Аммо бу жараёнлар бир хил тарзда кечаётгани йўқ. Баъзи кишилар умумиттифоқ бойлигини кўпайтиришга интилиш ўрнига, шу бойликдан ўзига яхшироқ қисмини талаб қилиб олишга уринмоқдалар. Афсуски, бизнинг Латвияда ҳам миллий туйғуларни қўзғаб, ундан фойдаланиб қолишга уринаётган, эҳтиросларни авж олдираётган кишилар бор. Биз бу йўлдан бора олмаймиз. Улар боши берк кўчага судрамоқдалар, биз эса ҳақиқий муаммоларни, республика халқ хўжалиги тараққиётидаги баъзи номутаносибликларни, социал инфраструктурани қолоқлигини, экология вазиятининг мураккаблашувини оқилона ҳал этишни хоҳлаймиз.

Бу камчиликларнинг бир қисми учун ўзимиз жавобгармиз, бироқ идоравий манфаатларни давлат манфаатлари қилиб кўрсатаётган иттифоқ министрликларининг беҳад буйруқбозлиги сабабли бир талай муаммолар келиб чиққан. Шу муносабат билан нотиқ хўжалик масалалари ва бошқа масалаларни ҳал этишда иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқлари ҳамда ваколатларини анча кенгайтиришни таклиф қилди.

Баъзи бировлар миллатлараро муаммолар кескинлашганлиги учун қайта қуришни, демократиялашни айблашга уринмоқдалар. Ҳақиқатда эса бу муаммоларни рўй-рост муҳокама қилиб, тубдан ҳал этишнинг амалий имконияти вужудга келганлиги сабабли улар биринчи ўринга чиқиб қолди. Ленин тушунчасидаги суверен социалистик республикаларнинг Совет федерациясини қайта тиклаш, ҳар бир қардош халқнинг ҳақиқий суверенитетини таъминлаш керак. Бунинг учун, эҳтимол, янги қонун актларини жорий этиш ва эскиларини такомиллаштиришга тўғри келар. Ретионларнинг хўжалик ҳисоби иттифоқдош республикаларнинг қардошларча иттифоқини мустаҳкамлаш йўлидаги жиддий қадамга айланиши мумкин бўлур эди.

Ота-боболаримиз бизга ажойиб мерос қолдиришган, ҳозир миллий омил қайта қуришга халақит бермаслиги, балки уни жадаллаштириши учун ҳамма ишни қилиш барча совет коммунистларининг бурчидир.

Мажлис охирида М. С. Горбачев конференция президиумига тушган бир қанча саволларга жавоб қайтарди.

30 июнда конференция ўз ишини давом эттирди.

(ТАСС).

ОЛДИНДА КАТТА ИШЛАР ТУРИБДИ

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири Р. СУЛТОНОВ 30 июнь эрталаб қуйидагиларни маълум қилди.

Очиғини айтадиган бўлсам, ҳозир Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегатларига осон эмас: мажлисда қатнашиш, нотиқларнинг фикрлари мағзини чақиш, ўзлари учун зарур хулосалар чиқариш бир тарафу кўпдан-кўп мухбирларнинг «ҳамла»ларига дош бериш, турли-туман саволларга жавоб қайтаришнинг ўзи бошқа бир машаққатли жиҳат. Ахир ўзингиз ўйлаб қаранг: матбуот маркази журналистларга ғиж-ғиж тўлиб кетган, улар мамлакатимиз коммунистлари улкан анжумани иштирокчиларига тинчлик бериш-мас-диди! Қўлда қалам, блокнот, фотоаппарат, елкада кино ва телекамера, хуллас ҳар ким ўз ишини битказишга жонжаҳди билан интилади.

Биз ҳам кўплар сафидан ажралиб қолмаслик ниятида ўзбекистонлик ўртоқларга рўбарў келамиз.

Халил ҲАМРОЕВ. Бухоро область Свердлов районидаги Охунбобоев номли колхоз правлениесининг раиси: — Михаил Сергеевич Горбачевнинг докладида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги турғунлик ҳолатидан қутулган эмас, деб таъкидланди. Биз буни ғоят ҳаққоний танқид, партиявий принципиаллик билан изҳор этилган фикр дея қабул қиламиз. Ҳаммамизга оғир ботади буни эшитиш, лекин адолат юзасидан тан бермай иложимиз йўқ. Чиндан ҳам республикамиз агросаноат комплекси тармоқларида кескин тараққиётни, чинакам янгиланишни таъминлай олмаяпмиз. Бунинг сабаблари кўп, аввало ишларимизни тубдан қайта қура олмаяпмиз, имкониятлардан дуруст фойдаланилмаяпти, илғорлар тажрибаси астойдил қўлланилмаяпти ва ҳоказо-ҳоказолар. Аммо ўрни келганда айтиш керакки, марказдаги планлаштирувчи маҳкамалар, бошқарув органлари ҳалигача пахтакорларнинг ҳаққоний талабларига панжа орасидан қараб келаётирлар. Узоққа бормай биргина мисол келтирмоқчиман: қишлоқ хўжалиги машиналари, ўғитлар, бошқа моддий-техника ресурслари нархи оширилди-ю, пахтанинг нархи аввалгича қолмоқда. Буни алоҳида масала тарзида кўриб чиқишмас, адолат ўрнатишмас экан, деҳқоннинг косаси таги оқармайди, деб ўйлайман. Бунинг устига иқтисодий механизмни шундай ярхлаш керакки, у пировард натижада ҳам меҳнаткашга, ҳам давлатга улгуржи фойда келтирсин.

Қайта-қайта қарорлар қабул қилинишига, колхозчиларнинг Бутуниттифоқ съездида таъкидланишига қарамасдан дала ва фермаларда ишлаётганлар буйруқбозлик исканжасидан қутулолмаяптилар. Уларга ўнлаб ташкилотлар бўлар-бўлмас фармойишлар беришдан тўхташгани йўқ. Аслида эса деҳқон ва чорвадор ўз ишининг хўжайини бўлмоғи, барча масалаларни ўзи ҳал этмоғи, якун учун ўзи жавоб бермоғи зарур. Ахир план бажарилмаса юқорида ўтирган амалдорлар елка қисиб тураверишади-ку! Фикрим шуки, қишлоқ меҳнаткашига паст назар билан қарашга чек қўйилсин, унинг ҳақ-ҳуқуқлари осмон қадар эъзозлансин! Ана шунда турғунлик ҳолатларидан батамом қутуламиз.

Рўёб МАМАТОВА, Жиззах область Мирзачўл районидаги Абай номли совхоз-техникум бригадаси бошлиғи: — Конференцияда қайта қуриш, демократиялаш, ошкоралик жараёнининг дастлабки босқичига якун ясалаётганидан беҳад мамнунман. М. С. Горбачев докладида машинасозлар, селекционер олимлар, бошқарув аппарати ходимлари деҳқонлар олдида беҳад қарздор эканликлари жуда тўғри қайд этилди. Кремлнинг Съездлар саройида бўлаётган гапларни таҳлил қилар эканман, чиндан ҳам СССР Агросаноат давлат комитетидан бошлаб ўзимизнинг РАПОгача ҳамма бўғиндаги бошқарувчилар фаолияти ҳалигача қайта қурилган эмас. Қишлоқда янгиланиш, тараққиёт зўр куч билан илдиз отишига халақит бераётган асосий тўсиқ ана шундан иборат бўлса керак. Фикримча, амалдор ҳаддан ташқари кўпайиб кетган, уларнинг сафини кескин қисқартиришдан фақат фойда кўрилади. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш юзасидан юқоридан келадиган давлат буюртмаларини ҳам тартибга солиш зарур деб ҳисоблайман. Чунки у ёки бу маҳсулот алоҳида олинган шароитни кўзда тутиб етиштирилиши, буни деҳқоннинг ўзи белгилаши шарт. Нега деганингизда, у қайси экиндан қанча фойда кўрилишини яхши билади, унга кўрсатманинг ҳам, беҳуда йўл-йўриқнинг ҳам кераги йўқ. Айтайлик, консерва заводлари юзлаб чақирим нарида жойлашган хўжаликларга помидор етиштиришни тиқиштиришдан наф борми? Бу ва бошқа масалаларда бизга мустақиллик, мустақиллик ва яна бир карра мустақиллик берилишини сўраймиз.

Раҳматулла ОМОНОВ, Қашқадарё область Қамаши районидаги Карл Маркс номли совхоз директори: — Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришнинг асосий, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи йўлларидан бири меҳнатни уюштиришнинг истиқболи порлоқ усулларига, жумладан пудратга ўтишдир. Шундай қилинганда деҳқоннинг кўл-оёғи озод бўлади, у нафақат ўз манфаатини, ҳеч шубҳасизки давлат манфаатини ҳам ўйлаб иш тутади. Михаил Сергеевичнинг бу масалаларга тўла-тўкис қўшиламиз, маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Шу ўринда жойларда пудрат йўлидаги тўғанақлар олиб ташланмаганлигини қайд этмай иложим йўқ. Бунда турли қаршиликлар ҳам, ғирромликлар ҳам рўй бераяптики, оқибатда фойдали ташаббуслар бешигидаёқ бўғилмоқда.

М. С. Горбачевнинг қишлоқда социал ҳолат қониқарсиз эканлиги хусусидаги сўзларини тингларканман, Қашқадарё колхоз ва совхозларида ҳукм сураётган аҳвол кўзим ўнгида гавдаланди. Бошқа республикалардан нақадар орқада қолганмиз-а! Мактаблар, касалхоналар, боғча-яслилар, маданий-маиший хизмат ўчоқлари [illegible] ва [illegible] бағримизни ўртайди. СССР соғлиқни сақлаш министри Евгений Иванович Чазовнинг Ўзбекистонда ана шу жабҳада ўпирилиш ҳукм сураётганлиги ҳақидаги гапларини эшитганимда аллатасин бўлиб кетдим. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросида эл саломатлигини сақлаш масаласи кескин муҳокама қилинганлигидан, унда Евгений Иванович қатнашганлигидан, турғунлик манзаралари очиб ташланганлигидан, ишни яхшилашнинг амалий тадбирлари белгиланганлигидан беҳад мамнунман. Биз ҳам ўз навбатида социал соҳани ривожлантириш бўйича қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз.

Владимир Гаврилович ГРИШЧУК, Тошкент область Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари: — Михаил Сергеевичнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида турғунлик ҳолатлари ҳамон бартараф этилмаганлиги ҳақидаги сўзларидан яқин орада сира кечиктирмай хулоса чиқаришимиз зарур. Конференция давомидаёқ республикамиздан келган делегатлар худди шу хусусда келишиб олишди. Ўпирилишдан чиқиш учун аввало ишлаб чиқаришнинг истиқболи порлоқ усулларини астойдил қарор топтириш керак, деб ҳисоблайман. Деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш учун чинакамига курашмоқ, олишмоқ, тадбир изламоқ, уни рўёбга чиқармоқ лозим. Бизнинг районимизни оладиган бўлсак, хўжаликларда пудратга кенг йўл очилмоқда, бунинг натижасида экинлар ҳосилдорлиги, чорва маҳсулдорлиги, ўз навбатида одамларнинг шахсий манфаатдорлиги кескин ошмоқда.

Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи идоралар, ташкилотлар, муассасалар фаолиятини яхшилаш, улар билан муносабатларни тартибга солиш ҳам катта моҳият касб этади. Айтайлик, «Сельхозхимия», машина-механизмларни ремонтдан чиқарувчи корхоналар, илмий кучларни бирлаштирган маҳкамалар бугунги кунда эскичасига ишлашга мутлақо ҳақсиз, улар ҳам ўз фаолиятларини қайта қурмоқлари шарт. Акс ҳолда партия ташкилотларининг, Советларнинг ҳамма саъй-ҳаракатлари, интилишлари, деҳқоннинг, чорвадорнинг меҳнати дуруст самара бермайди.

Биз партия комитетлари билан ҳокимият органлари фаолияти доирасини аниқ-равшан белгилаш ҳақидаги хулосаларга тўласинча қўшиламиз. Бундан буён маҳаллий Советлар ўз ҳуқуқларидан нафақат фойдаланишлари, уларни қаттиқ туриб ҳимоя қилишлари, партия сиёсатини хўжалик соҳасида сўзсиз рўёбга чиқаришлари керак.

Жамила ҲУЖАЕВА, Тошкент область Калинин районидаги 34-ўрта мактаб ўқитувчиси: — Қайта қуриш, демократия

Фарғона область Ленинград районн меҳнаткашлари Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси арафасида ажойиб совға олишди. Қўқондаги 2-«Облагропромстрой» бирлашмасига қарашли 94-хўжаликлараро механизацилашган кўчма колонна бинокорлари болалар поликлиникаси учун янги бино қуриб беришди. Замонавий меъморчилик усулида бунёд этилган бу даволаш муассасаси тиббий хизмат кўрсатиш учун барча қулайликларга эга.

СУРАТЛАРДА: 1. Врач Соня Зайнобиддинова боланинг соғлиғини текширмоқда. 2. Поликлиниканинг ташқи кўриниши. 3. «Тез ёрдам» хизматга шошилмоқда.

Х. СОЛИҲОВ фотолари.

ХАТЛАР ОҚИМИДАН

МИНИСТРЛИК БИРОР ГАП АЙТАР?

Мактабларда болаларнинг адабиётдан олаётган билимларини такомиллаштириш тўғрисида «Қишлоқ ҳақиқати», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ёш ленинчи» газеталари, «Шарқ юлдузи», «Ёшлик» журналларида икки йилдан бери муҳим масалалар кўтарилди. Бироқ республика Маориф министрлигидаги ўртоқлар буларнинг барчасига лоқайд қараб, ҳамон ўз билганларидан қолмаяптиларки, энди бунга ортиқ чидаш мумкин эмас. Ўқувчиларнинг адабиётдан олаётган билимлари йил сайин саёзлашиб бораяпти, уларнинг оғзаки нутқларида ғализлик тобора кучаймоқда, ёзма машқлари ва иншолари қашшоқлашаётир. Республика Маориф министрлигидаги эса булардан онгли равишда кўз юмган ҳолда яна адабиётга ажратилган соатларни қисқартириш йўлларини ахтараётгандай туюлади кишига. Ахир болаларимизнинг, айтиш мумкинки, адабий ногирон бўлиб чиқаётганликларига ким жавоб беради? Балки Маориф министрлигидаги ўртоқлар бирор жўяли фикр айтарлар?

М. ҚАЮМОВ,
ўқитувчи.

ГЎДАКДА НИМА АЙБ?

«Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг 22 апрель сонида босилган «Оила фожиаси» сарлавҳали мақолани ўқиганимдан кейин Муҳаббатга нисбатан шундай нафратим уйғондики, буни сўз билан таърифлаб беролмайман. Наҳотки аёл қиши бўла туриб... Ахир гўдакда нима айб? Менинг Муҳаббатга айтадиган сўзим қуйидагича: балки фарзандларинг бордир, неча кун, неча тунни бедор ўтказгансан. Нима қилиб қўйдинг? Сендан жуда-жуда нафратланаман.

М. АБДУЛНИЁЗОВА.
Қўшкўпир райони.

ҚУРОЛДОШ ДЎСТНИ ИЗЛАЙМАН

Мен Улуғ Ватан уруши инвалидиман. Ўша оловли йилларда тошкентлик Акрам Кароматов билан 10-армиянинг 885-полкида хизмат қилиб, Смоленск областида жангга бирга кирганмиз. Ғалабадан сўнг, 1956 йилда Тошкентда яна учрашганлик, уйида ҳам бир кеча меҳмон бўлгандим.

1966 йилги зилзиладан кейин яна излаб бордим, лекин тополмадим: ҳеч ким аниқ адресини беролмади. Қаерга кўчган, билмайман.

Ҳурматли редакция. сизлардан шу дўстимни топишда ёрдам беришларингизни сўрайман.

Ҳ. ТУЛАГАНОВ.
Қамаши райони.

ОББО ФИРИБГАР-Е...

«Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг шу йил 14 февраль сонида босилган «Огоҳ бўлинг, фирибгар» сарлавҳали мақолани ўқидим-у ҳаяжонланиб кетдим. Чунки ўша мухбир бизнинг Косонсой районимизга ҳам келган эди. Фақат у ўзини Бўтаев Юсуф эмас, Бўтаёров Юсуф деб таништиргандн. У ўтган йили август ойларида йиғим-терим машиналарнинг тайёрлигини кўрмоқчи бўлувди.

Район агросаноат бирлашмаси кенгаши раисининг муовини З. Маҳкамов билан икки кун хўжаликларни айланди, айрим одамларни ишдан қўйди. Ҳа, айтгандай, хужжатини сўрасам, Наманганда, яъни область агросаноат бирлашмасида олиб қўйишганини айтди. Шундай қилиб, уч кун РАПО машинасида турли жойларда бўлди, район партия комитетининг секретарлари қабулига ҳам кирди.

Иккинчи марта 1988 йил 26 январь куни бир аёл билан яна келди. Мен одатим бўйича ҳужжат талаб қилдим ва шу масалада райком секретарига ҳам учрадим. Кейин ўша кунга рухсат берлик, лекин эртасига ҳужжатсиз ҳеч қаерга йўлатмаслигимиз тўғрисида огоҳлантирдик. У ҳужжатларини келтириб таништиришга ваъда қилди-ю, қорасини кўрсатмай кетди.

Мақола чиққандан сўнг РАПО кенгаши раисининг муовини З. Маҳкамовга телефон қилсам, у ҳам куюниб, қарзга дея пул олиб кетганини айтди.

Бошқа сафар келганда меҳмонхонада «томоша» кўрсатибди: ёнидаги аёл билан битта хонага қўйишларини талаб этибди. Меҳмонхона мудирасига дўқ қилиб, газетада танқидий мақола чиқаришини айтибди. Шунда ҳам мудира аёл бу иш қоидага (меҳмонхона инструкциясига) тўғри келмаслигини тушунтирса, у кўнмабди.

Шунақа ишлар...

Меҳмонхона мудирасидан газетанинг номини сотиб юрган сохта мухбирнинг адресини топиб сизларга юборишни инсоний бурчим деб билдим.

И. ШАРОФИДДИНОВ,
Косонсой район партия комитетининг инструктори.

Битсин бағритошлик!

ТАБИЙ ОФАТ

Деярли йигирма беш йил давомида ўзгалар дарди билан юриб, уларни гирдобига олган қийинчиликлар, адолатсизликлар тўғрисида қулоч-қулоч мақолалар ёзибман-у шахсий ташвишларим ҳақида бирон сатр ҳам битмабман. Нима ҳам дердик, инсон ўз бошига тушмагунча билмас экан. Мазкур мақолага ўтиришдан олдин мана шулар ҳақида ўйладим.

...Қўнғироқ роса тун ярмида жиринглади. Менга Фарғона водийсидан укам телефон қилаётган эди.

— Бугун «Время»ни кўролдингизми? — шошиб-пишиб сўради у.

— Йўқ, — жавоб қилдим, — навбатчиликда эдим. Уйдагилар кўришибди. Сизлар томонда сув тошкини бўлибди, дейишди.

— Сизлар бир қисмини кўрдинглар, холос, — узоқ-узоқдан овози келди укамнинг, — ҳақиқий аҳвол хийла ёмон. Айниқса янгамнинг қишлоғида кўп уйлар қулаган. Майиб бўлганлар бор. Бир келиб, қариндош-уруғлардан хабар олиб қўйсаларингиз бўларди.

Шундай қилиб, 10 июнь жума тонготарида оиламиз бекаси ҳамда ўн тўрт ва етти яшар болалар, саккиз ойлик гўдак билан Тошкент аэропортига етиб келдик. Маҳаллий ҳаво йўллари учун қурилган янги аэропорт биноси қулай ва шинам. Аэровокзалнинг навбатчи бошлиғи ҳамда диспетчери ойначаси ёнида йўловчилар ҳар галгидай тирбанд. Мана шу навбатчи ва диспетчер бошига қандайдир ташвиш тушган йўловчиларнинг оғирини енгил қилиш, уларга ложи борича ёрдам бериш учун қўйилганлар.

Узундан-узоқ навбатда туриб диспетчер аёл ойначасига яқинлашаман. Ундан илтимос қиламан: шундай ва шундай. Куни кеча қишлоғимизни сув олиб кетган эмиш. Телевизорда ҳам кўрсатишибди. Тўғри, телеграммамиз йўқ, аммо телефон қилиб айтишди. Қайси шаҳарга дейсизми? Фарғона водийсида самолёт қатнайдиган олтита шаҳар бор: Андижон, Наманган, Фарғона, Қўқон, Ўш ва Жалолобод. Қаерга бўлса ҳам кетаверамиз. Ўйлаб ўтирмаймиз. Нарёғига таксими ё бирон нарса чиқиб қолар...

Диспетчер аёл (афсуски, фамилиясини билолмадик) мени тўғри тушунди:

— Сизларга Наманганга досадка билети учун талон бераман, — деди у, — мана, ведомостга фамилиянгизни ҳам ёзиб қўйдим. Кассадан билет сотиб олинг-да, самолётга чопинг. Яна бир соат вақт бор.

Мен нодон, ҳали олдинда қанча ишлар борлигини билмай, чопиб борганча билет ёздириб келдим. Лекин кўп нарсаларни кўриб, кўп нарсаларга ақлим етса ҳам ҳалиҳануз мана шу Аэрофлот сирларининг чигалини ечолмайман. Уларни тушуниб етиш ва аралашиш биз, оддий фуқароларга асло насиб этмаган. Бу ердаги иш жараёнларини қандайдир туманга ўраб ташлайдилар, у ердаги ходимлар ўзларига хон, ўзларига бек, қандай иш тутсалар фақат ўзлари биладилар.

Наманган рейсига қўлида «досадка» билети борлар анчагина экан. Энг қизиғи шуки, ҳақиқий, яъни қўлидаги билетида ўрни кўрсатиб берилган йўловчилар рўйхатдан ўтиб бўлгандан сўнг «досадка» билети борлар орасида чаққонлик ва эпчиллик мусобақаси бошланди. Кимдир навбатчига ялина бошлайди, кимдир медалларини кўз-кўз қилиб дўқ уради (бу медаллар орасида дружиначиларга берилдиган нишонлар ҳам, ўғли армиядан олиб келган «Гвардеец» нишони ҳам бор). Кимдир эса регистратор навбатчи билан маъноли кўз уриштириб олади. (Дарвоқе, ана шундай кўли қинғир навбатчилар қандай қилиб орган томонидан ушланганлиги ва қамалиб кетганлиги ҳақида мен ўтган йили республика газеталаридан бирида босилган мақоламда ёзган эдим).

Хуллас, диспетчер ваъда қилган ўша эрталабки рейсга чиқа олмадик. Қўлида «досадка» билети борлардан кимдир, навбатчи регистраторнинг айтишига қараганда, махсус кўрсатма билан учадиган бўлиб чиқди. Эшик тагида шумшайиб гина турган икки кўримсиз шахс бирдан «депутат»га айланиб қолди ва кўзимизни қуйдирганча ўтиб кетишди. Мен навбатчи регистраторга мурожаат қилдим;

— Ахир гўдаклар билан қийналиб қолаяпмиз-ку!

— Асло ёрдам беролмайман, — елкасини қисди у. — Сиз, яхшиси, вокзалнинг навбатчи бошлиғига учранг. Ҳамма имконият ўшанинг қўлида. Шунчалик ташвиш билан йўлга чиққан экансиз, у билетларингизга жойини қўйиб бериши керак.

Ниҳоят икки соат навбат кутиб, иситмаси чиқиб кетган қизча, тиннмай хархаша қилаётган болалар билан аэровокзалнинг навбатчи бошлиғи Ашот Арамович Мелконян ўтирган ойнача ёнига етиб келдик.

Бу одамнинг важоҳати, йўловчилар билан муомаласи, дўқ уришларини кўрибоқ унинг ўмуман бу дунёда бирон-бир кимсага яхшилик қилишига асло ишонгингиз келмайди. Гапни охиригача тингламай чўрт кесади. У вазиятнинг эгаси, столнинг хўжайини. Сизнинг тақдирингиз билан ўйнашадиган одам. Самолёт осмонда учиб юради, аммо ундаги жойлар, ўринлар мана шу кишининг қўлида... Мен унга дард-ҳасратимни сўзлай бошлайман.

— Ёрдамингизга муҳтожмиз, ўртоқ бошлиқ. Қишлоқда қаттиқ тошқин бўлган. Уйлар бузилган, майиб бўлганлар бор...

— Ҳеч қандай ёрдам беролмайман, — менга эмас, ўз иш столидаги қоғозларга қараган ҳолда жавоб қилади у,— бир ерда тошқин, бошқа ерда зилзила, ёнғин. Ўтинг, следующий!

— Ахир, ўртоқ бошлиқ, мана бу гўдакларни кўринг!

— Гражданин, сиз ишлашимга халақит бераяпсиз!

Бу одам қайкал эди, қоя эди. Гўё программалар жойлаштириб қўйилган робот эди. Фақат «проходите, следующий!» сўзларини биларди, холос. Шу аснода орамиздан гап қочди. Мен унга ҳар хил одамлар шубҳали йўллар билан самолётга чиқиб кетаётганлигини айтдим. Ашот Арамовичнинг қовоғи уйилди, ҳар нарсага бош суқавермаслигимни таъкидлади.

Қоқ тушда учадиган 139-рейсда ҳам худди эрталабки аҳвол такрорланди. Яна жуда муҳим, қандайдир алоҳида «ваколатга эга бўлган» йўловчилар чиқиб қолишди. Яна учиб кетолмадик. Мен Ашот Арамовичга у мени кечириб қўйишлиги, лекин бу ерда ҳеч қанақа тартиб қолмаганлигини айтдим. Кейин билсам, бекор қилган эканман. Унга менинг гапларим қаттиқ ботибди...

Шундай қилиб, қўлда гўдак ва кичик болалар билан етти соат кутгач, соат 15 да учадиган 137-рейсга умид бўгладик. Лекин соддалигим қурсин, мен Ашот Арамовичнинг қанчалик қасоскор эканлигини бутунлай эсга олмаган эканман. 137-рейсга рўйхатга олиш эълон қилиниши биланоқ эрталабдан бери ўз иш будкачасида ўтирган навбатчи бошлиқ рейс расмийлаштирилаётган жойга ўзи келиб ўтирибди олди. Яккаю ягона максади бизни, яъни «Бу ерда тартиб йўқ» деган йўловчиларни самолётга чиқармаслик эди. У оғзидан она сути кетмаган гўдаклардан ўч оларди! Шу аснода диспетчер аёл (нима қилса ҳам аёл-да!) уч-тўрт марталаб унинг ёнига келиб, бизни учириб юборишни илтимос қилди.

— Йўқ, улар учмайди, — қатъий жавоб берди Ашот Арамович.

Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан...

Бу орада уч-тўртта нотаниш шахслар Мелконяннинг ёнига келиб шивир-шивир қилишдида, тезгина самолёт томонга ўтиб кетишди. Андижонга билети бўлган иккита йўловчи ҳам чиқди самолётга. Ашот Арамович ҳатто шунга ҳам рухсат берди. «Ким учса учсинки, фақат мана бу гап қайтарганлар уча кўрмасин!» Яна қаердандир икки йўловчини топиб келишди, «булар депутат» деганча ўтказиб юборди. «Ахир депутат бўлса, «Депутатлар зали» орқали ўтмайдими?» сўради кимдир. Унинг сўроғи ҳавода муаллақ осилиб қолди. Сўнг Мелконян бизга гап ташлади: «Битта ҳам жой йўқ, қаерга бориб шикоят қилсаларингиз қилаверинглар!». Диспетчер опа кўзларини ерга қадади: «Сал жаҳлим чиқариб қўйдингиз-да, ўзингиздан кўринг».

Шу ерда ҳамма ишни кузатиб турган йўловчи милиционер бор эди.

— Мен аэровокзал бошлиғининг бу лўттибозлигидан қоят ғазабландим. Худди шундай деб ёзинг, — деди менга. — Ҳаммасини ўз кўзим билан кўриб турдим. Ҳеч қандай депутат бўлмаганларни навбатсиз ўтказиб юборишди. Кимки шивир-шивир қилиб келса, ўтиб кетаверади. Бундай масъулиятсиз, тутуриғи йўқ кишилар мана шундай масъул вазифаларга қандай тайинланар экан? Мен Наманган шаҳар Советн район ички ишлар бошқармасида ишлайман. Милиция старшинаси Ҳошим Ориповман.

— Бу ердагиларга умуман қонун топиб бўлмайди, — деди бизнинг ташвишларимизга гувоҳ бўлган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг мухбири Абдунаби Ҳайдаров. — Мен бу бедодликни кўриб, аралашай дея бошлиққа хизмат гувоҳномамни тақдим этсам, у қўлимдан олиб итқитиб ташлади.

Менимча, бу сўзларга изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

...Шундай қилиб, биздан авиайўловчи чиқмагач, темир йўл вокзалига йўл олишдан ўзга иложимиз қолмади. Хайрият, поездга билет топдик. Ярим тунда Бекобод кенгликлари бўйлаб вагонда чайқалиб борарканман, ўша куни кўрган-кечирганларим бирма-бир хаёлимдан ўта бошлади. Мақола бошида мен шахсий ташвишларим тўғрисида айтаман, деган эдим. Яхшироқ ўйлаб қарасам, бу унчалик тўғри бўлмас экан. Чунки мана шундай аҳволга бугун мен дуч келсам, эртага сиз, индинга эса учинчи бир одам учраши мумкин. Хўп, мен-ку оқ-қорани таниган, саводли одамман. Лекин бутун умри далада ўтадиган, сиз билан биз учун моддий бойлик яратаётган оддий деҳқон мана шу кўйларга тушса нима қилиши мумкин? Мелконянлар уларни оёқ ости қилиб ташлашлари турган гап. Иккинчи бир нарса. Кейинги пайтда биз инсон омили ҳақида жуда кўп гапираяпмиз. Нега энди кун бўйи инсонлар билан ишлайдиган мана шундай аэропорт, темир йўл, автобус вокзалларининг муҳим жабҳаларига бироз бағри кенгроқ, параграфларгагина эмас, инсонийликка ҳам амал қиладиган, яхши билан ёмоннинг, софдил одам билан ғирт чайқовчининг фарқига етадиган, ўз корхонаси обрўсини ерга туширмасликка ҳаракат қиладиган одамларни танлаб қўйиш мумкин бўлмаса?

Мен «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан «табиий офат» ибораснни излаб топдим. Луғат бу нарсага табиат кучларининг таъсири натижасида юзага келадиган ногаҳоний ҳодиса сифатида баҳо беради. Бу, Мелконян айтгани каби, бир ерда тошқин бўлса, иккинчи жойда зилзила, бошқа ерда эса ёнғин дегани. Албатта, булар ёмон, кўнгилсиз воқеалар. Лекин, рост айтсам, кейинги пайтларда табиий офатнинг бошқа бир кўринишн ҳам сезиларли равишда жонланиб бормоқда. Бу лоқайдлик, бепарволик, ўз бурчи ва вазифасига панжа орасидан қараш, одамларни менсимаслик, қалб сўқирлигидир. Тошқин, зилзила оқибатларини бир амаллаб бартараф этиш мумкин, лекин бу офатнинг янги кўринишларини ҳали-бери тугатолмаймиз шекилли. Энг ачинарлиси шуки, бу эпидемия тобора кўпроқ юракларни кемирмоқда, ҳаётимизни аёвсиз заҳарламоқда.

Сўнгги сўз ўрнида эса шуни айтишим мумкин: биз табиий офат юз берган жойга — ўз қишлоғимизга роса бир кеча-кундуз кечикиб етиб келдик. Эски том босиб қолган яқин бир одамимиз роса ўн икки соат олдин оламдан ўтган экан. Энди бу ёғи Мелконяннинг виждонига ҳавола...

Қодиржон СОБИРОВ,
Ўзбекистон телевидениеси ходими, СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

Спорт ахбороти

ЧИМ ХОККЕИИ

Мамлакат чемпионати олий лигасининг (хотин-қизлар командалари ўртасида) навбатдаги тур учрашувларида ўтган йилги мавсум ғолиби, олтин медалларнинг уч бор соҳиби «Колос» командаси муваффақиятли ўйнади. Борисполлик хоккейчи қизлар сафарда Олмаотанинг «Связист» коллективи билан икки марта куч синашиб ғалаба нашидасини сурдилар. Улар биринчи учрашувни 2:0 ҳисобида ўз фойдаларига якунлашган бўлса, эртаси куни 1:0 ҳисобида зафар қучишди. Натижада «Колос» жамғармасидаги очколарни 24 тага етказиб, иккинчи ўринга чиқиб олди. Бу турнир пешқадами СКИФ клуби ҳисобидаги очколардан иккита оз, аммо «Колос» тўрт учрашувни кам ўтказган.

Мамлакатнинг уч бор чемпиони «Андижанка» командаси бу турда очколарни баҳам кўрди. Горькийда маҳаллий ТТУ коллективи билан учрашган хоккейчи қизларимиз дастлабки куни 1:0 ҳисобида ютиб, такрорий матчни жарима тўпларига кўра 1:2 ҳисобида бой бердилар. Натижада «Андижанка» 16 учрашувдан сўнг 24 очко жамғариб, учинчи ўринда бораяпти.

Иккинчи вакилимиз «Политотдел» командаси эса Тирасполда маҳаллий «Текстильщчик» клубига икки бор ютқазди — 1:2, 0:1.

Бошқа учрашувлар натижаси: «Ритм» (Гродно) — СКИФ — 1:0, 0:1; «Таурас» (Шяуляй) — «Спартак» (Москва) — 2:0, 2:1; «Спартак» (Москва области) — «Связист» (Боку) —1:0, 1:0.

Энди олий лига коллективларининг ўйинлар жадвалида эгаллаб турган ўринлари билан танишинг:

	У	Т	О
СКИФ	18	30-15	26
«Колос»	14	42-16	24
«Андижанка»	16	25-9	24
«Политотдел»	18	19-14	22
«Связист» (Олмаота)	18	15-15	22
«Ритм»	18	16-19	16
«Таурас»	18	21-28	16
«Спартак» (Москва области)	16	19-15	14
«Связист» (Боку)	18	14-20	14
«Текстильщчик»	18	16-26	14
«Спартак» (Москва)	18	17-37	8
ТТУ	18	17-37	8

ШАХМАТ

Бельфорда (Франция) ўтаётган дунё кубоги учун мусобақанинг иккинчи босқичида кечиктирилган партиялар ўйналди. Улар собиқ жаҳон чемпиони Анатолий Карповга муваффақият келтирди. У икки партияни ниҳоялаб, ўз ҳисобига бир ярим очко ёзди. Карпов ГФР вакили Роберт Хюбнер билан дуранг ўйнаб, голландиялик Ян Тимман устидан ғалаба қозонди. Бу унинг очколарда иккинчи вакилимиз Ян Эльвестга етиб олишига имкон берди. Натижада улар 7,5 очко билан иккинчи-учинчи ўринларда бораяптилар.

Жаҳон чемпиони Гарри Каспаров кучли шахматчиларнинг дунё кубоги учун баҳсларида ягона карвонбоши бўлиб турибди. Унинг ҳисобида 9,5 очко бор.

КАМОНДАН ОТИШ

Люксембургда икки кун давом этган спортнинг бу тури бўйича Европа чемпионати ниҳоясига етди. Унда мамлакатимиз вакиллари муваффақиятли қатнашдилар. Улар ҳам эркаклар, ҳам хотин-қизлар мусобақасида ҳурмат шоҳсупасининг биринчи поғонасига кўтарилишди. Икки вакилимиз Юрий Леонтьев билан Владимир Ешеев бир хил очко (317) тўплашди. Фақат такрорий машқлардан кейингина биринчи спортчимизнинг омади келиб, Европа чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Хотин-қизлар мусобақасида мамлакатимиз вакили Людмила Аржанниковага ҳеч ким тенг кела олмади. У мўлжални бошқаларга кўра аниқ олиб, 311 очко тўплади. Бу унинг рақибларидан тўрт очко ўзиб кетишини таъминлади. Людмила биринчи ўринни эгаллаб, чемпионатнинг олтин медалига сазовор бўлди.

ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

Боласи тушмагур оёқсиз чиқиб кетди-я.

(Бувининг гапидан).

* * *

Эртага колхозга «Хотиннинг эри» келаркан.

(Театр мухлисининг айтгани).

* * *

Дастлаб қулоққа, кейин кўзга киринг.

(Поликлиника ҳамширасининг беморга дегани).

Ашулани менга беринг.

(Ўқитувчининг илтимоси).

* * *

«Шум бола»ни олиб келдим. Бугун кўрсатаман, эртага бошқа колхозга кетади.

(Киномеханикнинг гапи).

Б. ОТАЕВ.
У. ҚИЛИЧЕВ.

Редактор
А. Ғ. МУХТОРОВ.

ТЕЛЕВИЗОР ХИЗМАТДА

2 ИЮЛЬ, ШАНБА

ХАЛҚАРО КООПЕРАЦИЯ КУНИ

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 Ёшлик куйлайди ва рақса тушади.
9.20 «Сеҳрли сирена». Мультфильм.
9.35 «Хазина». Ҳужжатли фильм премьераси (Свердловск киностудияси).
9.55 Опа-сингил Осоянулар куйлайди. Кишинёвдан кўрсатилади.
10.25 «Нега ва нима учун?». Болалар учун кўрсатув.
10.55 Больцано (Италия) шаҳридаги Ф. Бузони номли пианиночилар халқаро конкурси ғолиблари Л. Зильберштейн ва В. Кулешов чаладилар.
11.25 Оилавий кинозал. «Тушмаган тарсаки», Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
13.30 «Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун». Модалар тележурнали.
14.00 Информацион кўрсатув.
14.15 Мультиплакацияда фантастика. «Сюрпризлар сайёраси».
14.30 Халқаро ҳаётга бағишланган соат. «Афғонистон: тинчлик йўли».
15.30 Духовой оркестрлар Бутуниттифоқ конкурси қатнашчиларининг концерти.
16.20 «Ҳайвонот оламида».
17.20 «Мен севган цирк».
18.15 «Портда». Мультфильм.
18.30 «Бир кишилик хор». Ҳужжатли фильм.
19.00 Янгиликлар.
19.15 К. М. Вебер. Гитара ва фортепьяно учун дивертисмент.
19.30 ВЛКСМ 70 йиллигига. «Шамол». Бадиий фильм.
21.15 Янгиликлар.
22.00 «Келгинди». Телевизион ҳужжатли фильм.
22.15 «Биргаликда куйлайлик, дўстлар».
24.00 «Время».

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика.
«Тафаккур» программаси
8.45 «Истиқбол». Телекўрсатув. Венгрия телевидениесининг илмий-ўқув программалари. Программани Венгрия телевидениесининг мухбири Михай Харди олиб боради.
9.40 «Здоровье».
10.30 «Телевизион музикали абонемент». М. Е. Салтиков-Шчедрин театри.
12.10 «Қайта қуриш ва ҳуқуқ». Кооперация тўғрисидаги қонун.
12.30 «Умринг боқий бўлсин, Ер!». Рибинск сув омбори ҳақида экологик программа.
13.40 «Мактаб: ўзгаришлар даври». Мактаб ҳаётини демократиялаш муаммолари ҳақида.
14.15 «Аксиома». Ҳужжатли фильм.
14.30 «Мўъжизасиз мўъжизалар» курьери». Ахборот: уни қайта ишлаш, тарқатиш, қўллаш. Кўрсатувни профессор С. П. Капица олиб боради.
15.30 Мультфильмлар: «Похол хўкизча», «Дала ҳовлидаги бир воқеа», «Пишган бўғдойзорлар орасида».
15.50 «Москва музейларининг бадиий хазиналари».
16.35 И. Брамс. 2-симфония. Стокгольм филармония оркестри ижро этади.
17.35 «Эски автомобилда сайр». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»).
19.00 «Тақдир соати». Ҳужжатли фильм премьераси.
19.30 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.45 «Бойқўнғир» космодроми». Ҳужжатли фильм премьераси.
21.15 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Э. Москвитина чалади.
21.30 «Узоқ Шарқ». Киножурнал.
21.40 «Севги афсонаси». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар («Ўзбекфильм», «Иглфлмз» (Ҳиндистон), «Совинфильм» иштирокида).
24.00 «Время».

● ЎзТВ

8.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа.
9.30 «Шанба экрани». Кинопрограмма.
10.30 «Менинг дадам капитан». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
11.45 «Пойтахтимиз меҳмонлари». Челябинск область драма театри.
13.00 «Абитуриент-88». Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми.
13.30 «Футбол чорраҳаларида».
14.00 Москва. Информацион кўрсатув.
14.15 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа.
15.15 «Тошбақа». Мультфильм.
15.25 «Сабо» ансамблининг концерти.

* * *

17.25 Кўрсатувлар программаси.
17.30 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
18.15 «Бугун — Халқаро кооперация куни».
18.45 «Саратон» ансамблининг концерт номерлари.
19.00 Москва. Янгиликлар.
19.15 «Тилга эътибор».
20.00 «Ахборот» (рус.).
20.20 «Шеърият саҳифалари». Абдулла Шер.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Бахт ва иқбол тароналари». Концерт.
21.15 Москва. Янгиликлар.
21.25 «Бардам бўлинг». Кўрсатув республика уруш ва меҳнат ветеранлари Совети билан ҳамкорликда тайёрланган (29 майдаги кўрсатув такрорланади).
22.25 Экранимизда биринчи марта. «Севги ва кабутарлар». Кинокомедия.
24.00 Москва. «Время».

● ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 «Типратикан, кучукча ва Нико исмли бола». Мультфильм.
18.15 Ўш кўрсатади.
19.00 «Бугун — Халқаро кооперация куни». Ҳамма нарса инсон фаровонлиги учун.
19.30 «Бозор: ўз молининг эгаси ва кооперация». Телефильм.
20.00 «Меэгил».
20.30 «Тасма». Кинокўрсатув.
21.40 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». «Луга». Ҳужжатли фильм.
22.00 Дала меҳнаткашлари учун концерт.
22.35 «Суғориш ишларига эътибор».
22.45 «Ота уйидаги жанг». Бадиий фильм (рус.).

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22, Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими 33-81-42.

Р. 12868. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. 2033. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12